Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2013-yil 2-aprel, seshanba № 40-41 (3234)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

А.Т.Усмоновни Тошкент вилояти ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

Аҳмад Тугилович Усмонов Тошкент вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин, шу муносабат билан Андижон вилояти ҳокими лавозимидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2013 йил 1 апрел

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Р.Қ.Холматовни Тошкент вилояти ҳокими лавозимидан озод этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига мувофиқ:

Рустам Курбонназарович Холматов Тошкент вилояти ҳокими лавозимидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2013 йил 1 апрел

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ

Шу йил 1 апрел куни халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилояти ҳосилдор тупроғи, бой минерал хомашё манбалари, етарли сув захиралари билан алоҳида ажралиб туришини, гўзал табиати, хушманзара масканлари билан ҳар қандай кишини ҳайратга солишини таъкидлади.

Вилоятнинг миришкор деҳқонлари ўзларининг пешона тери эвазига етиштираётган ноз-неъматлари билан наинки вилоят аҳолисини, айни чоғда азим пойтахтимиз аҳлини ҳам мева, сабзавот, гўшт, сут, тухум ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда.

Тошкент вилоятида иқтисодиётимизнинг етакчи тармоғи бўлмиш саноат юқори даражада ривожланган. Умуман олганда, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 9,6 фоизи, саноат маҳсулотларининг 12,4 фоизи, хизматларнинг 9,4 фоизи Тошкент вилояти ҳиссасига тўғри келиши унинг катта ишлаб чиқариш салоҳиятига эга эканини тасдиқлайди, деди Юртбошимиз.

Воҳада ёқилғи-энергетика мажмуаси, кимё, нефт-кимё, қурилиш индустрияси, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича йирик ишлаб чиқариш корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Бунга мисол қилиб АҚШнинг машҳур «Женерал Моторс» компанияси билан ҳамкорликда барпо этилган, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида ягона ҳисобланган автомобил двигателлари ишлаб чиқарадиган замонавий заводни, Чирчиқ, Олмалиқ, Бекобод шаҳарларидаги йирик саноат мажмуаларини келтириш мумкин.

Президентимиз Тошкент вилоятида турли соҳаларда қўлга киритилган ютуқларни қайд этган ҳолда, мавжуд камчиликларни таъкидлаб, галдаги устувор вазифаларга алоҳида тўхталди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди.

Р.Холматов Тошкент вилояти ҳокими вазифасидан озод этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тавсиясига кўра Андижон вилояти ҳокими лавозимида ишлаб келаётган Аҳмад Тугилович Усмонов Тошкент вилояти ҳокими этиб сайланди.

Сессияда «Нуроний» жамғармаси Чиноз тумани бўлими раиси Мираҳмад Давронов, Бўка туманидаги «Мустақил Ўзбекистон» фермер хўжалиги раҳбари Раҳмон Саидов, Тошкентдаги Турин политехника университети талабаси Олимжон Тўйчиев, Пскент туманидаги 1-умумтаълим мактаби директори Марҳабо Қурбонова сўзга чиқиб, Президентимиз нутқида Тошкент вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари ҳар томонлама чуқур таҳлил этилиб, келгусидаги долзарб вазифалар аниқ белгилаб берилганини, вилоят аҳли билдирилган фикрлардан зарур хулосалар чиқариб, ислоҳотлар самарасини юксалтириш, барча соҳа ва тармоқлар бўйича қабул қилинган дастурларни изчил амалга ошириш учун астойдил меҳнат қилади, деб таъкидлади.

ЎзА

Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ўтказилаётган давлат гранти танловларида Самарқанд вилоятидаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаол иштирокини таъминлашга бағишланган семинар ўтказилди.

ННТЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАҚСАДИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Фуқаролик жамияти шакллашишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Самарқанд ҳудудий бўлинмаси ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда депутатлар, вилоятдаги ННТлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди.

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили асосида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотларининг эркин фаолият юритиши ва давлат томонидан қўллаб-қувватланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Бугунги кунда Самарқанд вилоятидаги мавжуд 614 ННТ грант танловларида фаол иштирок этмоқда. Жумладан, сўнгги тўрт йилда юзта ННТ жамоат фонди танловларида қатнашиб, улардан 84 лойиҳа фонд томонидан молиявий қўллаб-қувватланди. 2012 йилда 12 ННТ грант лойиҳалари асосида фаолият кўрсатди.

— Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларига мос равишда 2008-2012 йиллар давомида Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан йигирма маротаба грант танловлари ўтказилиб, улар учун 22 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Олимжон Ўсаров. — Бу танловларда 2 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўзларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалари билан иштирок этди. Ҳар бир лойиҳа ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда баҳоланди ва 564 грант лойиҳаси ғолиб деб топилди. Уларни молиялаштириш учун етарли миқдорда маблағ йўналтирилди. Жорий йилда грант танловлари учун давлат бюджети ҳисобидан 7 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратилган. 2012 йилга нисбатан грант танловлари йўналишлари 11 тага етди.

Семинар иштирокчиларига жамоат фонди томонидан «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган устувор йўналишларни амалга ошириш, жумладан, мустақил оммавий ахборот воситаларини янада қўллаб-қувватлаш бўйича эълон қилинган грант танловларининг аҳамияти ва шартлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Ғ.ҲАСАНОВ, ЎзА мухбири

Янгиликлар оқимидан

СИРДАРЁ

Жорий йил вилоятдаги шаҳар ва туманлар ҳудудида саноат корхоналари сафи янада кенгайиб, қатор ишлаб чиқариш субъектлари фаолияти йўлга қўйилади.

ФАРОВОНЛИК ГАРОВИ

Жумладан, Ховос туманида калава ипдан кийим-кечак тайёрлайдиган тикувчилик корхонаси, Боёвут туманида 3 та ғишт заводи, Янгиер шаҳрида 600 минг дона терини қайта ишлайдиган чарм-пойабзал фабрикаси, Бахт шаҳрида қиймати 11 миллион евролик «Бахт текс фарм» фармацевтика корхонаси, Сардоба туманида 120 минг жўжа очиришга мўлжалланган инкубатор ишга туширилади.

Бундан ташқари, ҳар бир туманда 200 тадан тикув машинаси ўрнатилган цехлар барпо этилади. Бундай хайрли саъй-ҳаракатлар туфайли 100 минг нафарга яқин маҳаллий йигит-қиз доимий иш билан таъминланади.

Анорбой НОРҚУЛОВ

ЖИЗЗАХ

2012 йилда вилоятнинг 14 та чекка ҳудудида намунавий лойиҳа асосида 370 та уй-жой қурилди.

ИНФРАТУЗИЛМАГА ЭЪТИБОР

Янги массивларда инфратузилмага ҳам алоҳида эътибор қаратилган. 17,5 километрлик табиий газ, 16,5 километрлик ичимлик суви, 10,6 километрлик электр тармоғи олиб келинмоқда. Шунингдек, бешта маҳалла гузари, тўққизта савдо мажмуаси, учта маиший хизмат шохобчаси барпо этилянти. Ўн километрлик масофадаги автомобил йўли қуриб битказилди.

Абдуманнон АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

СУРХОНДАРЁ

Қумқўрғон туманидаги «Киндиктепа» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Лола бобо Бобоёров бир неча йил аввал ҳаж сафарига бориш учун ариза бериб қўйганди.

ҲИММАТИНГИЗГА БАЛЛИ, ОТАХОН!

Бироқ, иссиқ жон эмасми, соғлиғи узоқ ҳаж сафарини кўтара олмайдиган бўлиб қолди. Лола бобо бундан тушкунликка тушмади. Ҳаж сафари учун тўплаган 6,5 млн. сўмни тажрибали қурувчи Хайрулла Раҳмонқулов раҳбарлик қилаётган «Старпанқурилиш» МЧЖга ўтказиш юзасидан шартнома тузди. Ўзаро келишувга асосан жамият «Киндиктепа» маҳалла гузаридан қишлоқ қабристонигача бўлган ички йўлга тош ва қум тўкиб чиқди. Маҳалла аҳли эса ҳашарга чиқиб, йўлни созлашга ёрдамлашди.

— Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак, деган муборак ҳадисга амал қилдим, — дейди отахон.

Отахоннинг беғараз кўмаги билан кўркамлашган кўчадан Денов-Термиз трассасига чиқар эканмиз, ҳимматингизга балли, дегимиз келди.

Р. ДАВЛАТОВ

Истиқлол йилларида Ўзбекистон Республикасида 1997 йилда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ таълим тизимини, шу жумладан, соғлиқни сақлаш тизимининг кадрлар инфратузилмасини ислоҳ қилишга доир кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТИББИЁТ ТАЪЛИМИ САМАРАЛАРИНИНГ ЯНА БИР ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

Хусусан, қайд этилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қоидалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йилда имзоланган Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури босқичларини белгилаб берган 2107-сонли фармонига биноан олий тиббий маълумот халқаро стандарт — икки босқичли олий тиббий маълумотга ўтказилди.

Масалан, таълимнинг биринчи босқичи — бакалавриатда ўқитишда барча тиббиёт олий ўқув юртлари қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникаларда ишлаши мумкин бўлган умумий амалиёт шифокорларини (умумий педиатр, умумий гигиенаچи-эпидемиолог, умумий стоматолог) тайёрлаш йўлга қўйилди. Бу мамлакатимиз аҳолисига, биринчи навбатда, қишлоқ аҳолисига юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш имконини бермоқда. Тиббий таълимнинг иккинчи босқичи — магистратура 46 тор мутахассислик (жарроҳлар, кардиологлар, офтальмологлар, юқумли касалликлар шифокорлари ва бошқалар) бўйича шифокорлар тайёрлашни назарда тутади. Бундай мутахассислар соғлиқни сақлаш тизимининг иккинчи ва ихтисослаштирилган бўғинлари, тиббий таълим ва илмий муассасаларда ишлаши учун тайёрланмоқда.

Бунда шифокорлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш масаласи тиббий ёрдам сифатини яхшилаш ва юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, ҳукуматимизнинг қатор қарорлари асосида олий ўқув юртларида таълим жараёнининг моддий-техник базасини модернизация қилиш, талабаларнинг яшаш ва маиший шароитини яхшилаш, янги спорт иншоотларини фойдаланишга топшириш, мавжудларини реконструкция қилиш ишлари амалга оширилаётир.

Шу билан бирга, янги педагогик технологиялар ва инновацияларни жорий этиш давом эттирилмоқда, ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда замонавий техник ўқитиш воситалари кенг қўлланилмоқда. Мамлакатимизнинг етакчи олий ўқув юртлари клиник муаммоларни ҳал этишга асосланган модуль таълимини жорий этмоқда. Мазкур технология жаҳон тиббий таълим амалиётида истиқболли ҳисобланади ва мантиқан мустақил фикрлашни ривожлантиришга хизмат қилади. Бу бўлажак шифокорни тайёрлаш жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, мамлакатимиз раҳбарияти ташаббуси билан ўқитиш жараёнида барча жойларда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, профессор-ўқитувчиларнинг хорижий тилларни билиш даражасини оширишга оид қарорлар қабул қилинди. Бу ишлар ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Негаки, тиббиёт жадал ривожланиб бораётган соҳалардан бири бўлиб, кўп ҳолларда бугун умумқабул қилинган услуб ва йўналишлар эртага ўзининг долзарблигини йўқотиши мумкин.

(Давоми 3-саҳифада).

«ТАШАББУС — 2013»: ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун «Ташаббус — 2013» кўрик-танловининг республика босқичи якунланди

Баҳор — байрамлар фасли. Бу гўзал фаслда қуёш олтин нурларини сочиб, шаббода дилларни эркалайди, гулга кирган дарахтлар ва гулзорлар киши баҳри-дилини очади. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ўтказиб келинаётган «Ташаббус» республика кўрик-танлови шундай ёрқин ва кишига илҳом бағишлайдиган тадбирлардандир. Танловнинг «ташаббус» деб номланган ҳам рамзий маънога эга. Тадбир Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Фермерлар кенгаши ва «Ҳунарманд» халқ ҳунармандлари уюшмаси томонидан мамлакатимиз вазирлик ва идоралари билан ҳамкорликда ташкил этилади.

(Давоми 3-саҳифада).

Намунали бошланғичлар ҳаётидан

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 64-умумий ўрта таълим мактаби касаба уюшма қўмитаси ҳудуддаги намунали бошланғич ташкилотлардан ҳисобланади. Таълим муассасасида 50 нафардан ортиқ педагог 1100 дан энёд келажагимиз эгаларига таълим-тарбия бермоқда. Ходимлар манфаатини ҳимоя қилиш касаба уюшма қўмитасининг доимий эътиборида. Замонавий, кўркам жиҳозлар билан таъминланган қўмита хонаси дид билан безатилган. Ҳужжат ва бошқа кўргазмали буюмлар тартиб билан жойлаштирилган.

ҲАВАС БИЛАН ЯШАЙЛИК

— Қўлимиздан келганича намунали бўлишга ҳаракат қилаяпмиз. Бунда интилувчан, ўз устида тинимсиз изланадиган ўқитувчилар ҳамда маъмурият билан ҳамфикрликда иш юритишимиз қўл келмоқда, — дейди касабақўм раиси Холида Ҳасанова. — Ходимлар ўртасида маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш тадбирларини нафақат байрам кунлари, балки ҳар доим уюштириб келаётирмиз.

Ходимларнинг мазмунли дам олиши ва соғлигини тиклаш ишига ғамхўрлик қилиш касаба уюшмасининг асосий йўналишларидан бири. Шу боис ўтган йили олти нафар педагогга йўлланмалар ажратилди. Маънавий-маърифий ишлар ҳам режадагидек. Бир гуруҳ ходимлар Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини зиёрат қилиб қайтишди.

Мактаб маъмурияти ва касаба уюшмаси ўртасида тузилган жамоа шартномасига меҳнат қонунчилиги асосида меъёрий ҳужжатлар ва ички имкониятлардан келиб чиқиб, ходимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган масалалар киритилган бўлиб, жумладан, меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш, қўшимча имтиёзлар яратиш, соғломлаштириш, меҳнат муҳофазаси каби масалалар ўз ифодасини топган. Директор фондидан фаол ўқитувчиларнинг ишига қараб мукофот пуллари бериш йўлга қўйилган. Кам таъминланган оилалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш ўқитувчи ва ходимларга касаба уюшма қўмитаси томонидан моддий ёрдам кўрсатилаётир. Бундан ташқари, дарс жадвали ҳам ёш ходимларга қулай тарзда тузилган. Яъни, ҳафтанинг шанбасида мактабгача таълим муассасалари ишламаслиги ҳисобга олиниб, шу куни уларга дарс соатлари қўйилмайди. Дам олиш хоналарида барча шароит мавжуд бўлиб, истаган ўқитувчи дарсдан бўш вақтини шу ерда ўтказиши мумкин.

— Мактабимизда академик Содиқ Азимов номидаги кичик академия фаолият юритади, — дейди директор Машҳура Шоисаева. — 8-9-синф ўқувчилари академия раҳбаридан эркин мавзу олиб, тўрт ой давомида илмий иш ёқлайди. Унга етакчи олим ва илмий ходимлар бириктирилган бўлиб, уларнинг вазифаси болаларнинг ишини баҳолашдан иборат. Шу тариқа уларнинг билими янада мустаҳкамланиши, келажакда олий ўқув юртига ўқишга кириш учун зарур билимга эга бўлиши ҳамда нутқининг равонлашишига кўмаклашмоқдамиз.

(Давоми 7-саҳифада).

Ishonch
2013-yil 2-aprel № 40-41 (3234)

Мамлакатимиз парламенти давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси қоидаларини амалга оширган ҳолда, ўз қонун ижодкорлиги фаолиятининг услублари ва сифатини тобора такомиллаштирмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси миллий ҳуқуқий амалиёт учун янги услуб — ҳуқуқий тажриба ўтказишни жорий этиш ташаббусини илгари сурди. Парламент аъзоларининг ушбу ташаббуси Президентимиз Ислом Каримов томонидан қўллаб-қувватланди. Бу борада давлатимиз раҳбарининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг ишлаб чиқилган лойиҳасини такомиллаштириш бўйича ҳуқуқий тажриба ўтказиш тартиби ҳамда шартларини белгилаб берган фармойиши қабул қилинди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида мазкур ҳуқуқий тажрибани ўтказиш бўйича ишчи комиссиянинг ташкилий мажлиси бўлиб ўтди.

ҲУҚУҚИЙ ТАЖРИБА ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Унда мазкур ишчи комиссия аъзолари — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари ҳокимликларининг масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари қатнашди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери, ишчи комиссия раиси Д.Тошмуҳамедова бошқарди.

Ишчи комиссия зиммасига юкланган вазифаларга биноан 2013 йил давомида Бухоро ва Самарқанд вилоятларида ўтказиладиган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини синовдан ўтказиш бўйича ҳуқуқий тажрибани ташкилий таъминлаш масалалари муҳокама этилди.

Мажлисда мамлакатимизда истиқлол йилларида демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш давомида халқаро стандартларга жавоб берадиган қонунчилик базаси яратилгани ва у Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган сўз эркинлиги ҳамда фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқини кафолатлаши таъкидланди. Хусусан, Асосий қонунимизнинг 30-моддасида барча давлат органлари ва мансабдор шахслар фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозимлиги белгиланган. Бу қоида ва принциплар қатор қонун ҳужжатлари, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа ҳужжатларида ўз ифодасини топган. Мамлакатимизда ахборот соҳасини жадал ва эркин ривожлантириш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий ва моддий-техник шароитлар яратилган. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, ахборот эркинлигини таъминламасдан бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини ўзимизга яхши тасаввур этамиз. Ахборот соҳасини демократия асосида ривожлантириш Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси доирасида ушбу соҳани янада эркинлаштириш ҳамда демократлаштириш мақсадида миллий қонунчилигимизни такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар белгилаб берилган. Жумладан, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ташаббуси илгари сурилган. Янги қонунда жамоатчиликни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида хабардор қилиш процедураси белгиланган, аҳоли, жамоат бирлашмаларининг улар томонидан қабул қилинаётган қарорлар, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинлиги ҳамда қонуний манфаатларига тааллуқли қарорлари тўғрисидаги ахборотдан янада кенг фойдаланишини таъминлаш кўзда тутилган. Ушбу ҳужжатнинг ҳаётга татбиқ этилиши ижро ҳокимияти органларининг бу қарорлар сифати учун жавобгарлигини оширишга, жамиятимизда фикрлар хилма-хиллигини, сўз ва сайлов эркинлигини кенгайтиришга хизмат қилади.

Қонун лойиҳасини тайёрлашда ривожланган демократик давлатлар тажрибаси ўрганиб чиқилди, ахборот ҳуқуқи соҳасида фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар тавсиялари инобатга олинди. Ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси, хусусан, хорижлик экспертлар иштирокида кенг муҳокама этилди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудида ўтказилган қирқдан ортиқ конференция, семинар ва давра суҳбатлари якунлари бўйича мазкур қонун лойиҳасини такомиллаштиришга оид юзга яқин таклиф умумлаштирилди.

Президентимизнинг мазкур қонун лойиҳасини синовдан ўтказиш бўйича ҳуқуқий тажриба ўтказишга оид фармойишининг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг янги ҳуқуқий амалиётида ноёб тажриба бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳасида амалга оширилаётган демократик жараёнларнинг ҳуқуқий асосларини янги ҳуқуқий ҳужжатларни синовдан ўтказиш услубини қонун ижодкорлиги фаолиятига кенг жорий этиш учун қўшимча имкониятлар очиб беради. Шуниси эътиборлики, мазкур услуб сўз ва ахборот эркинлиги, давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш соҳасида илк бор қўлланилмоқда. Бу, шубҳасиз, фуқароларнинг ахборот олиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришни кенгайтиришга хизмат қилади.

Ҳуқуқ амалиётига жорий этилаётган мазкур янги услуб Ўзбекистонда қонун ижодкорлиги назарияси ва амалиётини тизимли такомиллаштириш жараёнидаги навбатдаги босқич, мамлакатимизда ижтимоий ҳаётни демократлаштириш жараёнлари мукаммаллигининг муҳим сифат кўрсаткичидир. Давлатимиз раҳбарининг ҳуқуқий тажрибани ўтказиш тўғрисидаги мазкур фармойиши ижросини таъминлаш жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг аҳоли, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда ОАВ билан янада кенг муносабатлар ўрнатишига кўмаклашади.

Йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А.Жўрабоев, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов, Самарқанд вилояти ҳокими З.Мирзаев, Бухоро вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи М.Эсонов, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф.Абдухолиқов ва бошқалар буни алоҳида таъкидлади.

Ҳуқуқий тажрибанинг мазмун-моҳияти муайян вилоят, туман ҳамда шаҳар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг реал фаолиятида ушбу қонун лойиҳасини синовдан ўтказишдан иборат экани қайд этилди. Бухоро ва Самарқанд вилоятлари давлат тузилмаларидан ташқари оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, уларнинг ишлари ҳақида ахборот олишдан манфаатдор юридик ҳамда жисмоний шахслар ҳам мазкур тажрибанинг иштирокчилари ҳисобланади.

Ҳуқуқий тажриба қонун лойиҳасининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг очиқ-ошкоралигини янада тўлиқ таъминлаш, аҳолини мамлакатимизни демократик янгилаш ҳамда модернизация қилиш жараёнлари ҳақида хабардор қилишда фуқаролик институтлари, шу жумладан ОАВнинг роли ва аҳамиятини кучайтиришга қаратилган нормалари самарадорлигини амалда текшириб кўриш имконини беради. Бундан ташқари, тажриба давомида журналистлар фаолиятининг сифати ва самарадорлигини изчил ошириш мақсадида уни журналистларнинг ўзи тартибга солиши бўйича турли механизмлар ҳам синаб кўрилади.

Давлатимиз раҳбари фармойиши билан тасдиқланган ҳуқуқий тажрибани ўтказиш тартибига мувофиқ, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўз фаолияти очиқлигини таъминлаш бўйича мажбуриятлари қатъий белгиланган. Масалан, жисмоний ва юридик шахсларнинг расмий талаби у рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн беш кундан ошмайдиган муддатда, оммавий ахборот воситаларининг тажриба субъектлари фаолияти, унинг мансабдор шахслари билан интервю ташкил қилиш тўғрисидаги талаби эса етти кундан ошмайдиган муддатда кўриб чиқилиши шарт. Бунда ахборот олиш талаблари ёзма, жумладан, электрон ҳамда оғзаки шаклда бўлиши ва бевосита, ахборот олишдан манфаатдор шахсларнинг ваколатли вакиллари орқали юборилиши ҳам мумкин. Буларнинг барчаси фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқларини янада кенгайтиради.

Бундан ташқари, қонун лойиҳасини синаб кўриш вазифаларини комплекс равишда амалга оширишга қаратилган чоралар ҳам белгиланди. Жамоатчилик, фуқаролик жамияти институтларини тажрибанинг бориши, жисмоний ва юридик шахслар учун ахборот олишнинг янги имкониятлари ҳақида кенг хабардор қилиш шулар жумласидандир. Ўтказиладиган тажриба самарадорлигини ва унинг субъектларининг ахборот ошкоралигини таъминлашга доир фаолиятининг аҳоли томонидан баҳоланишини аниқлаш учун ижтимоий тадқиқотлар ҳам ўтказилади. Шунингдек, қонун лойиҳасини муҳокама қилиш бўйича, жумладан, чет эллик экспертлар иштирокида конференциялар, семинар ҳамда давра суҳбатларини ташкил этиш ҳам режалаштирилган. Бу борада ташкил қилинадиган махсус сайтда ҳар бир одам қонун лойиҳасининг синаб кўрилиши қандай амалга оширилаётгани билан танишиши, унинг нормалари муҳокамасида қатнашиши, ОАВ вакиллари эса ҳуқуқий тажриба субъектлари фаолияти хусусида ахборот материалларини бемалол олиши мумкин.

Ҳуқуқий тажриба самарадорлигини таъминлаш учун уни ўтказиш бўйича ишчи комиссиядан ташқари, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари ҳокимликларида шундай ишчи гуруҳлар ташкил этилади. Тажриба давомида олинган натижалар таҳлили асосида қонун лойиҳасини такомиллаштиришга доир аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

Ишчи комиссия йиғилишида муҳокама якунлари бўйича «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонунни синовдан ўтказиш вазифаларини амалга оширишга қаратилган қарорлар қабул қилинди.

Анна ИВАНОВА,
ЎзА мухбири

МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ ТАЯНЧИ

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округи Сержантлар тайёрлаш мактаби битирувчиларига тантанали равишда сертификат топшириш маросими бўлиб ўтди.

Сержантлар тайёрлаш мактаби бошлиғининг ўринбосари, подполковник Икром Мамасолиевнинг айтишича, кичик командирлар тайёрлаш дастури тўққиз ойга мўлжалланган бўлиб, ўқиш давомида ҳарбий хизматчиларда ватанпарварлик, жанговар ва ахлоқий-руҳий сифатларни янада юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Эндиликда улар миллий армиямизнинг таянчи, фуқаро ёшлар учун юксак ҳарбий ва маданият намунаси, офицерларнинг биринчи ёрдамчиси ва аскарларни тайёрлаш ва тарбиялашда фидойи мураббий бўлишларига ишонамиз.

Суратда: тадбирдан лавҳа.

Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА)
олган сурат

Хоразм томонларда

МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁДАН

Яқинда Урганч шаҳрида фаолият бошлаган «Улуғбек нури» хусусий фирмаси уйларни таъмирлашда ишлатиладиган бўёқлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Мазкур лойиҳа «Алоқа банк»нинг 75 млн. сўмлик кредити ҳисобига амалга оширилди.

— Натижада тўрт нафар ёш иш ўрнига эга бўлди, — дейди корхона раҳбари Дилором Ҳамроева. — Маҳаллий хомашё ҳисобига ишлаб чиқаришни ташкил этганимиз маҳсулотларнинг нисбатан арзонлигини таъминламоқда.

Ҳозирда фирмада йилига 100 тонна 3-4 хил турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилаяпти.

«ЁҒДУ»НИНГ ШАШТИ БАЛАНД

Янгибозор туманидаги «Ёғду» фирмаси 1996 йилдан бери фаолият юритиб келмоқда.

— Ҳозирда 26 турдаги нон ва макарон маҳсулотлари тайёрлаб, харидорларга тақдим қилаяпмиз, — дейди оилавий корхона раҳбари Жобберган Отажонов. — 30 нафар ёш меҳнат қилаётган фирмамизда Жаҳонгир Отажонов, Умарбек Солаев, Зокир Қаландаров, Эргаш Қаландаров сингари ёшлар Туркия, Хитой ва Украина давлатларидан келтирилган замонавий технологияларни ўзлаштириб, сифатли ва харидоргир маҳсулотлар тайёрлашмоқда.

Келажакда фаолиятимизни кенгайтириб, яна 10 та иш ўрни очишни режалаштирганмиз.

Ўғилжон РАҲИМОВА

Давра суҳбати

ЎзКУФК ўқув марказида Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши «Оилавий тадбиркорлик замон талаби» мавзуида давра суҳбати ўтказди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ЎзКУФК, Савдо-саноат палатаси, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк вакиллари, тадбиркорлар ва бошқалар иштирок этди. Тадбирни Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Ғайрат Зунунов бошқарди.

ИШСИЗ ИШЛИ БЎЛАДИ

— «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун ҳаётимизда катта аҳамиятга эга бўлди, — деди ЎзКУФК бўлим мудири Маҳмуджон Исаев. — У оилавий бизнеснинг қонунчилик базасини яратди, ҳуқуқий кафолатлар кучайтирилди. Бу, ўз-ўзидан тушунарлики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янада ривожланади ва унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ошади, деганидир. Оилавий тадбиркорликнинг ҳуқуқий кафолатлари кучайиши, янги иш ўринлари яратилишига, пировардида аҳоли яшаш тарзининг юксалишига олиб келади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Одилжон Аширов ҳам ушбу қонуннинг моҳияти ва кафолатлари хусусида сўз юритиб, унинг қабул қилиниши мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим қадам бўлганлигини таъкидлаб ўтди.

— Бинобарин, дунё мамлакатлари, жумладан, бизнинг ҳам қонунчилигимиз тарихида бизнеснинг оилавий корхона тарзидаги ташкилий шакли кузатилмаган ёки бошқача айтганда, қонун даражасида мустаҳкамланмаган эди, — деди у.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раис ўринбосари Улуғмурод Эрназаров оилавий тадбиркорлик субъектларига палата томонидан кўрсатилаётган амалий ёрдамлар хусусида тўхталиб, тадбиркорнинг мушкулини осон қилиш, муаммоларини ҳал этиш йўлида изчил фаолият юритиш лозимлигига эътиборни қаратди.

Ўзбекистон халқ усталари, ҳунармандлари, мусаввирлари «Ҳунарманд» уюшмаси раиси Муҳаммадюсуф Қурбонов ҳунармандчиликни ривожлантиришда ҳукуматимиз томонидан яратилаётган имкониятлар ҳақида гапирди.

«Шарқ гули» ОАЖ раҳбари Саида Ғаниева корхонадаги касаначилар меҳнати ва уларга яратилаётган шарт-шароитлар тўғрисида сўзлади.

— Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан корхонамизга 40 дан зиёд касаначини жалб этдик. Ҳар бир касаначи билан меҳнат шартномаси тузилиб, меҳнат дафтарчаси очилган. Улар барча ишчилар қатори ижтимоий суғурта қилинган.

Республика Марказий Банкининг кичик бизнесни қўллаб-қувватлашни мувофиқлаштириш департаменти директори ўринбосари Азамат Қосимов банк кредитларининг оилавий тадбиркорлик ва миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришдаги роли ҳамда аҳамияти ҳақида сўз юритиб, бугунги кунда тадбиркорнинг оёққа туриб олиши учун бор имкониятлар ишга солинаётганини, масалан, ўтган йил тадбиркор аёлларга 200 млн. сўм миқдорида кредит маблағи ажратилганини алоҳида қайд этиб ўтди.

Ўзбекистон Давлат солиқ қўмитаси бўлим бошлиғи Миролим Каримов солиқ қонунчилигида оилавий корхоналарга бериладиган имтиёзлар тўғрисида атрофлича маълумот берди.

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раис ўринбосари Гавҳар Алимова «Маҳаллаларни хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес марказига айлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар, белгиланган чора-тадбирлар» мавзуидаги маърузасида шундай деди:

— Оилавий тадбиркорлик бугун пайдо бўлган жараён эмас, азал-азалдан аждодларимиз бирор-бир ҳунар эгаллаб рўзғор тебратишган. Айни чоғда 10 мингга яқин фуқаро (ўзини ўзи бошқариш органларининг амалий ёрдамида) бир неча бизнес тури билан намунали шуғулланяпти. Оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни қувватлаш мақсадида аҳоли ўртасида 9 мингдан ортиқ тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Фондининг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари ҳамда фуқаролар йиғинлари томонидан кредит олиш истагида бўлган 4 мингдан зиёд фуқарога кўмаклашилди. Жорий йилнинг шу кунига қадар 100 дан зиёд МФЙ ҳудудида новвойлик, сартарошлик, дурадгорлик, кулолчилик, косиблик ва тадбиркорликнинг бошқа йўналишлари муваффақиятли йўлга қўйилди.

«Файз холдинг» компанияси раҳбар ўринбосари Фурқат Баратов ҳам мазкур қонуннинг аҳамияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Шундан сўнг иштирокчилар ўртасида мавзуга доир ўзаро фикр алмашилди. Тадбир доирасида «Ҳунарманд» уюшмасида оилавий сулолалар вакиллари билан қизиқарли учрашув ташкил этилди.

Ўз мухбиримиз

Жамоатчилик фикри

Фанлар академиясида Обод турмуш йилининг устувор йўналишларига бағишланган «Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантиришнинг долзарб муаммолари» мавзуида республика илмий-амалий семинари бўлиб ўтди.

УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

ЎзРФА, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази, Ўзбекистон Миллий университети, ЮНЕСКОнинг МОСТ дастури бўйича Республика миллий қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда таниқли олимлар, социологлар, сиёсатшунослар, демографлар, иқтисодчилар, юристлар ва турли соҳа мутахассислари қатнашди.

Семинарни «Ижтимоий фикр» Маркази директори Р.Убайдуллаева очиб, Юртбошимиз раҳнамолигида истиқлол йилларида мамлакатимизда эришилган ютуқлар ва амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятига тўхталиб ўтди.

Сўнгра «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази директори ўринбосари, география фанлари доктори, профессор О.Ота-Мирзаев ва Марказ аналитиги, социология фанлари доктори, профессор М.Бекмуродов маърузалари тингланди.

— Президентимиз томонидан белгилаб берилган Ўзбекистоннинг 2013 йил ривожланиши иқтисодий дастурининг устувор йўналишлари зиммамиздаги масъулиятни янада оширди, — дейди биз билан суҳбатда ЎзРФА бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Шерзод Жўраев. — Ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, модернизация қўламини кенгайтириш ва тезлаштириш, иқтисодиётни ҳамда унинг етакчи тармоқларини технологик ва техник янгилаш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш олимларимиз олдига катта вазифаларни қўйди. Бугунги семинар ҳам, ўйлайманки, ушбу мақсадга хизмат қилади.

Иштирокчиларнинг таклиф-мулоҳазалари асосида Ўзбекистоннинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши, аҳолининг турмуш даражаси, миллатлараро муносабатлар, оила мустаҳкамлиги, маънавияти, аёлларнинг ижтимоий фаоллиги масалаларига оид жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича мавжуд услубиётни такомиллаштиришга оид тавсиялар ишлаб чиқилди.

С. АБДУРАҲМОНОВ

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТИББИЁТ ТАЪЛИМИ САМАРАЛАРИНИНГ ЯНА БИР ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Шу сабабли тиббий таълимнинг барча босқичларидаги ўқув дастурлари таълим жараёнига инсон касалликлари сабаблари ва механизмларини тушуниш, уларга ташхис қўйиш ва даволашда янгича ёндашувларни жорий этиш орқали мунтазам такомиллаштирилмоқда. Республика, вилоят ва туман даражасидаги даволаш-профилактика муассасаларида даволаш-ташхис қўйиш жараёнининг стандартлари ҳамда протоколларини жорий этиш бугунги куннинг муҳим талабларидан ҳисобланади. Мазкур стандарт ва протоколлар далилли тиббиёт асосида мамлакатимизнинг етакчи тиббий таълим ва илмий муассасаларининг саъй-ҳаракатлари билан ишлаб чиқилмоқда. Далилли тиббиёт интернет-ресурсларда жойлаштирилаётган аниқ илмий маълумотлар таҳлили асосида тавсиялар ишлаб чиқишни кўзда тутади.

Таъкидлаш жоизки, илмий тиббиёт соҳасидаги интернет-ресурсларнинг 80 фоиздан ортиғи инглиз тилидаги манбалардан иборат. Далилли тиббиётдан фойдаланиш, даволаш стандартлари ва протоколларини ишлаб чиқиш, ўқув дастурларини янгилаш ва натижада профессионал дунёқарашни кенгайтиришга пухта ёндашиш инглиз тилини, илмий интернет-маълумотлардан фойдаланишни билишни тақозо этмоқда.

Шунингдек, беморни «ётган жойида» амалий (клиник) текшириш (беморни кўздан кечириш, беморларни килиник кўриб чиқишда, операциялар, манипуляциялар ва бошқа жараёнларда иштирок этиш) кўникмаларини мажбурий ўзлаштириш тиббий таълимнинг ўзига хос хусусиятларидандир. Шу муносабат билан таълим ва ишлаб чиқариш, жумладан, тиббий олий ўқув юртлари ҳамда етакчи килиник марказларнинг интеграциялашуви шифокорларни сифатли тайёрлашнинг муҳим шартларидандир. Яъни, тиббий олий ўқув юртлари етакчи тиббиёт муассасаларидан клиник база сифатида фойдаланади. Талабаларга билим беришда нафақат олий ўқув юртлари педагоглари, балки илмий ходимлар ва тажрибали шифокорлар ҳам жалб этилади.

Бундай ишлар натижасида юқорида қайд этилганлар — мамлакатимиз тиббий олий ўқув юртларининг профессор ва ўқитувчилари зиммасига катта масъулият юклайди. Шунинг учун педагоглар она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, юқумли ва бошқа касалликларга қарши кураш, мамлакатда эпидемиологик барқарорликни таъминлаш соҳасида халқаро ташкилотлар (ЖССТ, ЮНИСЕФ, Глобал фонд ва бошқалар) тавсиялари ҳамда етакчи хорижий давлатларнинг юқори самарали тажрибасини фаол ўрганиб, ўқув дастурларига жорий қилмоқда.

Тошкентда 2011 йил ноябрь ойида «Соғлом она — соғлом бола» мавзуида бўлиб ўтган халқаро симпозиумда ЖССТ ва бошқа халқаро тузилмалар Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг ноёб модели шакланганини якдиллик билан таъкидлади. Масалан, Сеул Миллий университетининг педиатрия маркази (Корея Республикаси) раҳбарининг маърузасида педиатрия соҳаси ва тиббий кадрларни тайёрлаш масалаларида халқаро ҳамкорлик бўйича эришилган натижаларга юксак баҳо берилди.

Мамлакатимиз тиббий олий ўқув юртларида таълимнинг модернизация қилиниши уларда, жумладан хорижлик талабаларнинг билим олишга қизиқишини оширди. Корея Республикасининг етакчи университетлари билан кенг кўламли икки томонлама муносабатларни йўлга қўйган мамлакатимиздаги етакчи таълим марказларидан бири Тошкент педиатрия тиббиёт институти бунга ёрқин мисол бўла олади. Мазкур институтнинг 100 нафардан ортиқ мутахассиси ҳамкорлик дастури доирасида Самсунг, Енсейск университети ва Сеул Миллий университетининг тиббиёт марказларида малака оширди ва тренингларда қатнашди.

Осиё тиббиёт институти раҳбари, профессор Ким Бон Су (Корея Республикаси) 2013 йил 21 январда Кореянинг «World Daily» газетасида эълон қилинган мақоласида «Ўзбекистонда тиббий таълим даражасининг юқорилиги Корея тиббий университетлари талабаларининг Тошкент педиатрия тиббиёт институтида ўқишни давом эттириши учун катта қизиқиш уйғотди» дейилади. Шунингдек, унда «Тошкент педиатрия тиббиёт институтида таълим олиш Ўзбекистон тиббий таълимининг талабаларни кам сонли гуруҳларда юқори малакали мутахассислар томонидан ўқитиш ва амалий дарсларни беморлар «ётган жой»да ўташга имкон қадар яқинлаштиришга асосланган ноёб тажрибасининг амалий ифодасидир» дейилган.

Корея томони Тошкент педиатрия тиббиёт институти салоҳиятини инобатга олиб, Корея Республикаси университетларида бакалавр дипломини олган Корея фуқароларини мазкур институтда шифокорликка тайёрлашдан манфаатдор эканини билдирди. 2007 йилдан буён кореялик талабаларни интеграциялашган тиббий таълимнинг модуль тури асосида ўқитиш дастури бўйича Корея ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик доирасида Тошкент педиатрия тиббиёт институтига Корея Республикасининг ўттиз нафар фуқароси ўқишга қабул қилинди. Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг профессор ва ўқитувчилари томонидан кореялик талабаларни ўқитиш учун ишлаб чиқилган ҳамда халқаро стандартларга мос тўрт йиллик интеграциялашган ўқув дастури педиатрия соҳасида зарур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлишига хизмат қилди. Шунингдек, Осиё тиббиёт институтининг ўқув жараёнини модернизация қилишга қўшган ҳиссаси ушбу дастурни амалга оширишда ижобий натижаларга эришиш имконини берди.

2012 йилда кореялик уч нафар талаба Тошкент педиатрия тиббиёт институтида ўқишни муваффақиятли тамомлаб, мамлакатимизда олган дипломларини Корея Республикасида нострификация босқичидан ўтказди ва шифокорлик лицензиясини олиш ҳамда Кореянинг етакчи тиббиёт марказларидаги клиника ординатурасида тор мутахассислик бўйича ўқишни давом эттириш ҳуқуқига эга бўлиш учун давлат тест имтиҳонларини муваффақиятли топширди. Мазкур натижа Корея томонидан улкан ютуқ сифатида баҳоланди. Негаки, Корея Республикаси университетларини тамомлаган талабаларнинг 20-30 фоизигина биринчи йилда давлат тест имтиҳонларини топшира олади.

«World Daily» газетасида чоп этилган ушбу мақолада муаллиф Тошкент педиатрия тиббиёт институти битирувчиси Жанг Со Рянгнинг миннатдорлик сўзларини келтирган. Унда, жумладан, шундай дейилади: «Ўзбекистон менга шифокор бўлиш имкониятини яратиб берди ва мен бу мамлакатни энди ўзимнинг иккинчи Ватаним, деб биламан. Келажакда тиббиёт соҳасида тажрибага эга бўлганимдан сўнг Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимида замонавий ва самарали тиббиёт технологияларини жорий этишга ўз ҳиссамни қўшиш ниятидаман».

Тошкент педиатрия тиббиёт институти модуль таълимининг охирги босқич талабаси Со А Ёнгнинг АҚШда лицензияли тиббий имтиҳонларнинг (USMLE) уч босқичидан муваффақиятли ўтгани ҳам ушбу дастурнинг муҳим ютуғи ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, унга АҚШдаги етакчи тиббиёт университетларидан бирида килиника ординатураси курси бўйича ўқишни давом эттириш ҳуқуқини берди. Шу муносабат билан Со А Ёнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Ўзбекистонда олий тиббий маълумотга эга бўлиш имконини бергани учун қуйидаги миннатдорлик мактубини йўллади:

Муҳтарам Президент Жаноблари!

Авваламбор, Сизга Ўзбекистон Республикасида менга таълим олиш имконияти яратиб берилгани учун ўзимнинг самимий миннатдорлигимни изҳор этиш, Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва масъулиятли фаолиятингизда янада улкан муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Айни пайтда мен Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг еттинчи босқичи модуль гуруҳида таҳсил олаётирман. Бу ерда ўқитиш жараёни Сиз маъқуллаган ўқув дастури ва Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳамда Осиё тиббиёт институти (Корея Республикаси) ўртасидаги ҳамкорликка оид шартномага мувофиқ амалга оширилмоқда.

Мен болалигимдан тиббий маълумот олишни орзу қилардим ва бу имкониятга Ўзбекистон Республикасида эга бўлдим. Шунингдек, Ўзбекистонда эгаллаган билимларимга таянган ҳолда, АҚШ соғлиқни сақлаш тизимида ишлаш учун уч босқичли синовдан ҳам муваффақиятли ўтдим. Бу билан Ўзбекистон Республикасида бериладиган олий тиббий таълим даражаси халқаро стандартлардан қолишмаслигини алоҳида таъкидлашни истардим. Ишончим комилки, бу Сизнинг саъй-ҳаракатларингиз ва ёш авлод камолотига қаратаётган юксак эътиборингиз самарасидир.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизни мамлакатларимиз ўртасида ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик йўлга қўйилганининг 20 йиллиги билан табриклаш ҳамда Сизга сиҳат-саломатлик ва шахсий ҳаётингизда омадлар тилашга ижозат бергайсиз!

Чуқур эҳтиром ила
Со А Ёнг.

Кореялик талабаларнинг Ўзбекистонда олган билими ва орттирган тажрибаси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти дипломининг Корея Республикаси ва АҚШда эътироф этилиши мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш самарасида яратилган таълим даражасининг юқорилигидан далолат беради. Корея томони шуларни эътиборга олиб, Корея Республикаси фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси тиббий олий ўқув юртларида тиббий таълим олиш амалиётини кенгайтиришдан манфаатдорлигини маълум қилди. Шу муносабат билан кореялик талабаларнинг Самарқанд давлат тиббиёт институтида ҳам модул асосида таълим олиши режалаштирилмоқда.

ЎзА

«ТАШАББУС — 2013»: ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ушбу тадбирда халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, ҳаётни янада маъмур ва фаровон этиш йўлидаги эзгу интилишлари ёрқин намоён бўлади. Бунга «Ташаббус — 2013» кўрик-танлови республика босқичида ҳам яна бир бор ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон, маиший техника, кийим-кечак, мебел, миллий заргарлик буюмлари ва бошқа кўплаб маҳсулотлар намойиш этилди. Бу экспозиция ранглар уйғунлиги ва ёрқинлиги билан ҳар қандай одамни ром этадиган баҳор гулдастасини эслатади.

...«Навоий файз мебель» корхона стенди шулар жумласидандир. Бу ерда кенг турдаги меҳмонхона, ошхона, ётоқхона ва бошқа мебел маҳсулотлари намойиш этилди. Уйга шинамлик бағишлайдиган ушбу маҳсулотлар юқори технологик материал ва фурнитурадан тайёрланган.

«Навоий файз мебель» корхонаси раҳбари Азамат Ҳожиевнинг айтишича, мазкур корхона ўз фаолиятини давлатимиз раҳбари томонидан Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили, деб эълон қилинган 2011 йилда бошлаган. Ушанда тадбиркорлик субъектларига қўшимча имкониятлар яратиб берилган эди. Бугун ҳам улар учун солиқ имтиёзлари ва преференциялар амал қилмоқда, бизнесни рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомиллари соддалаштирилди, турли давлат ҳокимияти органларига тақдим этиладиган ўнлаб ҳисобот турлари қисқартирилди. Бир сўз билан айтганда, тадбиркор самарали меҳнат қилиб, ўз бизнесини ривожлантириши ва эртанги кунга ишонч билан яшаши учун барча зарур шароитлар яратилди.

Кўргазманинг бошқа иштирокчилари ҳам шундай фикрда. Дарҳақиқат, сўнгги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантириш учун изчил ва туб чоралар кўрилаётир. Бунинг натижасида хўжалик субъектларининг 90 фоиздан ортиғини кичик бизнес корхоналари ташкил этмоқда. 2012 йил якунларига кўра, ялпи ички маҳсулотнинг 54,6, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 22,2 ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 98 фоизи уларнинг улушига тўғри келди.

Қашқадарё вилоятидаги «Нормўмин бобо» фермер хўжалиги раҳбари Панжи Гелдиев ҳам бу борада катта ютуқларга эришаётир. Бу ерда фермер хўжалигида етиштирилган пахта, буғдой, мева-сабзавот, чорва моллари учун озуқалар, гўшт ҳамда сут маҳсулотлари намойиш этилди.

Фермернинг сўзларига кўра, мамлакатимизда фермерлик ҳаракати аҳолини сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, қишлоқда саноатни ривожлантириш, янги иш ўринларини ташкил қилиш каби муҳим масалаларни ҳал этишга хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда фермер хўжаликларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларнинг ер майдонларини оптималлаштириш, ер, сув ва моддий-техника ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳисобидан рентабелликни оширишга доир комплекс чора-тадбирлар кўрилаётгани самарасида бу борадаги ишлар йилдан-йилга яхши натижалар бермоқда.

Бугун фермер хўжалиги ҳақли равишда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг етакчи бўғини ва уни ташкил этишнинг асосий шакли ҳисобланади. Истиқлол йилларида қабул қилинган қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар уларнинг ваколатларини кенгайтириш имконини берди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2012 йил 22 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу борада муҳим омил бўлмоқда. Айни пайтда фермерлик ҳаракати қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий қисми етиштирилаётган 66 минг фермер хўжалигини ўз ичига олган.

«Ташаббус — 2013» кўрик-танловида, айниқса, ҳунармандларимизнинг хилма-хил стендлари кўпчиликнинг эътиборини ўзига тортди. Турли хил миллий буюмлар, моҳир кулоллар томонидан тайёрланган идишлар, атлас, адрас, беқасам каби матолардан тикилган гўзал либослар, мусиқа асбоблари, расмлар ва халқ усталарининг бошқа маҳсулотлари кўзни қамаштиради.

Халқ усталарининг кенг турдаги маҳсулотлари мамлакатимизда ҳунармандчиликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилаётгани ва маблағлар йўналтирилаётганининг тасдиғидир. Бунинг учун ҳунармандчиликни жадал ривожлантиришни таъминлаётган мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий база яратилган. Амалдаги имтиёз ва преференциялар тизими усталарга ўз ишини йўлга қўйиш ҳамда сифатли, бежирим маҳсулотларни сотиш имконини бераётир.

Наврўз айёми кунларида тадбиркорлар бизни сифатли маҳсулотлар, чиройли ва ноёб ҳунармандчилик буюмлари билан хушнуд этди. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланаётгани, бошқаларни ҳам ўз ишини очишга ундаётганидан далолатдир.

Анъанага кўра, ғолиблар номи «Туркистон» саройида тантанали равишда эълон қилинди.

Ғолиблар учта асосий — «Йилнинг энг яхши тадбиркори», «Йилнинг энг яхши фермери» ва «Йилнинг энг яхши ҳунарманди» йўналишлари, шунингдек, «Йилнинг энг ёш тадбиркори», «Йилнинг энг яхши тадбиркор аёли», «Йилнинг энг яхши инновацион лойиҳаси», «Ёшлар учун энг кўп иш ўринларини ташкил қилган тадбиркор», «Энг яхши солиқ тўловчи» ҳамда «Менинг Ватаним — менинг фахрим» каби қўшимча номинациялар бўйича аниқланди.

«2013 йилнинг энг яхши тадбиркори» номинациясида «Rubber trast» хусусий корхонасининг раҳбари Абдулҳошим Исмоилов (Андижон вилояти) ғолиб бўлди. Унинг кўп тармоқли корхонасида пойафзал, кийим-кечак, резина буюмлар каби ўттиздан ортиқ турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Қорақалпоғистонлик Байрамқилич Дадебаев «2013 йилнинг энг яхши фермери», деб топилди. У раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги пахта, ғалла, шоли, балиқ, қорамол етиштиришга ихтисослашган.

Бухоролик Маҳфуза Салимова эса «2013 йилнинг энг яхши ҳунарманди», деб эълон қилинди. У тайёрлаган зарбоф буюмлар ғоят харидоргир бўлиб, энг нозик дидли истеъмолчиларнинг ҳам талабларига жавоб беради.

— Жуда ҳаяжондаман, — деди йилнинг энг яхши тадбиркори А.Исмоилов. — Бугунги муваффақиятимиз бизни келажакда ўз бизнесимизни янада ривожлантириш ва янги лойиҳалар устида иш олиб боришга ундайди. Ғоялар кўп, давлатимиз томонидан кўрсатилаётган бундай эътибор эса бизга илҳом ва эртанги фаровон кунимизга ишонч бағишлайди.

«Ташаббус — 2013» кўрик танловининг асосий йўналишлари бўйича ғолибларга «Spark» автомобиллари топширилди. Иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаганларга пул мукофотлари, қолган йўналишлар бўйича совриндор бўлганларга компьютер тўпламлари ва бошқа қимматбаҳо совғалар берилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.Розуқулов сўзга чиқди.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎзА мухбири

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ МИНТАҚАВИЙ АКСИЛТЕРРОР ТУЗИЛМАСИ КЕНГАШИНИНГ ЙИГИРМА ИККИНЧИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкент шаҳрида 2013 йил 29 март куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШҲТ МАТТ) Кенгашининг навбатдаги йигирма иккинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғиз Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси вакиллари иштирок этди.

ШҲТ МАТТ Кенгаши томонидан ШҲТга аъзо давлатлар ваколатли органларининг ШҲТга аъзо давлатлар ҳудудидаги озодликдан маҳрум этиш жойларида жазони ўтаётган шахсларни террористик ва экстремистик ташкилотларга жалб этишга қарши курашиш бўйича қўшма чора-тадбирлари тасдиқланди.

ШҲТга аъзо давлатлар ваколатли органларининг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш ва улар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги ишларни такомиллаштириш мақсадида ШҲТ МАТТ Кенгаши томонидан терроризмга, сепаратизмга ва экстремизмга қарши курашиш бўйича тадбирлар; терроризмга қарши курашиш соҳасидаги норматив ҳуқуқий актлар, ўқув материаллари ва махсус адабиётлар; террористик ташкилотлар томонидан фойдаланиладиган порталатиш мосламалари, куроллар, ўқ-дорилар, заҳарловчи ва бошқа моддаларнинг ягона реестрлари тўғрисидаги низомлар тасдиқланди.

Экспертларнинг чегара масалалари, халқаро террористик ташкилотларга ҳамкорликда қарши курашишни мувофиқлаштириш борасидаги иш режалари тасдиқланди.

Терроризмга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида ШҲТ МАТТ билан МДҲ Терроризмга қарши курашиш маркази ўртасида ШҲТ ва МДҲга аъзо мамлакатлар ҳудудида ўтказиладиган йирик халқаро тадбирлар пайтида хавфсизликни таъминлашда ҳамкорликни ташкил этиш тўғрисидаги протокол лойиҳаси маъқулланди.

Ахборот соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган халқаро конференция ўтказишни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Мажлисда ШҲТ МАТТ Кенгашининг ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашига ШҲТ МАТТнинг 2012 йилдаги фаолияти тўғрисидаги маърузаси лойиҳаси маъқулланди, ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси директори Чжан Синьфэннинг ШҲТга аъзо давлатларнинг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича 2010-2012 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, шунингдек, ШҲТ МАТТ Кенгаши қарорлари амалга оширилишининг якунлари тўғрисидаги ахбороти тингланди.

ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитасининг ўтган даврдаги фаолияти ижобий баҳоланди.

ШҲТ МАТТ фаолиятини ривожлантириш ва ШҲТга аъзо давлатлар ваколатли органлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишига қўшган шахсий ҳиссаси учун ваколатли органлар ва ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитасининг бир қатор ходимлари Кенгаш Ёрлиқлари билан мукофотланди.

ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси фаолиятини ташкилий, кадрлар ва молиявий жиҳатдан таъминлашга доир масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

ШҲТ МАТТ Кенгашининг навбатдаги мажлисини 2013 йил 20 сентябрь куни Россия Федерацияси ҳудудида ўтказиш тўғрисида келишиб олинди.

ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси директори лавозимига янгидан тайинланган Чжан Синьфэннинг лавозимга киришиш маросими ўтказилди.

ШҲТ МАТТ Кенгаши ишида ШҲТ Бош котиби Д.Мезенцев, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Э.Арипов, ШҲТга аъзо давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги элчилари иштирок этди.

Кенгаш мажлиси ишчанлик, амалий мулоқот ва дўстона руҳда ўтди.

ЎзА





Фарғона шаҳридаги «UZ-SUNGWOO» Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонаси Асака автомобиль заводида ишлаб чиқарилаётган автомобиллар учун штампланган деталлар тайёрлашга ихтисослашган.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

Корхона йилига 120 мингта комплект деталь ва эҳтиёт қисм ишлаб чиқариш қувватига эга. Ҳозирги кунда корхона жамоаси асакалик автомобилсозларга «Chevrolet Cobalt» автомобилининг кузов қисми учун зарур деталларни тайёрлаб бераётир.

Бу ерда меҳнат қилаётган 600 ишчининг 70 нафардан зиёдини ўтган йили Фарғона вилояти касб-ҳунар коллежларини битирган ёш мутахассислар ташкил этади. Айни пайтда корхонада янги технологик линияларни ўрнатиш ва монтаж қилиш ишлари давом эттирилмоқда. Келгуси йили корхона тўлиқ қувват билан ишлай бошлагач, жамоа сафи ёшлар ҳисобига кенгайиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми янада ортади.

Суратларда: ишчилар Козим Исомов, Адҳам Эшонбоев ва Ахлиддин Эрматов.
Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар

Ishonch
2013-yil 2-aprel № 40-41 (3234)

Тадбир

Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ташаббуси билан Термиз шаҳри ва барча туманларда ҳокимликлар билан биргаликда корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарлари иштирокида «Ҳудудлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ҳамкорлик» мавзуида йиғилишлар ташкил этилаяпти.

АҲАМИЯТГА МОЛИК

Айни пайтгача Музрабод, Шеробод, Қизириқ, Ангор, Жарқўрғон, Термиз туманларида учрашувлар ўтказилди. Унда «Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар» хусусида очиқ музокаралар олиб борилди, ташкилот раҳбарлари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Йиғилишлар доирасида ҳокимликлар ва касаба уюшма фаоллари фермер хўжаликлари ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида касаба уюшма аъзолигига қабул қилиш, уларни дам олдириш ва соғломлаштиришда ҳамкорлик қилишга келишиб олишди.

— Туманимизда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилган йиғилиш яхши самара беришига шубҳа йўқ, — дейди Шеробод тумани ҳокими Рўзибой Авазов. — Очиғи, кўпчилик фермер хўжаликларининг жамоа шартномалари тузилмаганини меҳнаткашлар ҳуқуқини ҳимоя қилишда муаммоларга сабаб бўлаётганди. Йиғилишларда фермер хўжаликлари раҳбарларига жамоа шартномаси тузишнинг кўпгина қонунқоидалари ва афзалликлари тушунтирилгач, касаба уюшма мутахассислари кўмагида жамоа шартномалари имзоланди. Бундан ташқари, тумандаги ҳар бир ташкилот томонидан 4 тадан янги иш ўрни яратилишига келишиб олинди, «Маънавият соатлари» ўтказиш йўлга қўйиладиган бўлди.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Кўргазмали семинар

ЎРГАНСА, ЎРИН ТОПАР

Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ташаббуси билан Косонсой туманида агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмасига аъзо муассасаларда кўргазмали семинар ташкил этилди. Унда тармоқ касаба уюшмалари туман кенгашлари раислари, касаба уюшма фаоллари иштирок этишди.

Қатнашчилар «Исломжон Исаев» фермер хўжалигида ишчи кучидан фойдаланиш, хўжалик аъзолари билан тегишли меъёрларга амал қилган ҳолда меҳнат шартномаси тузиш, меҳнат дафтарчалари юритиш, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ҳамда касаба уюшмаси аъзолиги борасидаги тадбирларга қизиқиш билдиришди.

«Подшоота – Чодак» ирригация тизими бошланғич касаба уюшма ташкилотида олиб борилаётган ишлар ҳам йиғилганлар эътиборини тортди. Мазкур муассасадаги маданий-маърифий, спорт тадбирларини ташкил этиш тизими кўпчиликка ибрат бўлди.

Семинар якунида тармоқ касаба уюшмаси Тўрақўрғон ва Учқўрғон туман кенгашлари раислари А.Ғойиббоева, Р.Турсунов, АСМ ходимлари касаба уюшмаси МКнинг вилоятдаги масъул ташкилотчиси Д.Ҳошимова, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси З.Маҳкамова ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашиб, бошланғичлардаги илғор тажрибаларни бошқа туманларда ҳам қўллашни тавсия қилишди.

* * *

«Косонсой пахта толаси» АЖ бошланғич касаба уюшма ташкилотида жамоа шартномасининг 2012 йилда бажарилиши ҳамда 2013 йилдаги истиқболли режалар муҳокамасига бағишланган ҳисобот йиғилиши ўтказилди.

Кейинги йилларда қатор ибратли юмушларни бажаришга алоҳида эътибор қаратилган мазкур корхонада ходимлар ижтимоий ҳимоясига долзарб масала сифатида ёндашилмоқда. Қўшимча иш ўринлари яратиш, шу орқали аҳоли бандлигини таъминлашнинг ҳам уддасидан чиқилаяпти.

Ҳозирда бу ерда чевархона ишлаб турибди. Янги пиллахона қурилиши ҳам авжида. Қурилиш ва жиҳозлаш ишлари тугалланиши билан икки юз киши мавсумий иш билан таъминланади.

«Обод турмуш йили» дастурига мувофиқ жамоа шартномасига қўшимча бандлар киритилиб, унга кўра муассаса ихтиёридаги томорқада янги боғ яратилади. Бу хайрли амал келажакда ходимлар турмуши фаровонлигига хизмат қилади.

Икром ШАРОФИДДИНОВ,
АСМ ходимлари касаба уюшмаси Косонсой туман кенгаши раиси

Касаба уюшмаси — ходимларнинг ҳақиқий ҳимоячиси

Ҳурматли таҳририят! Сизга мурожаат қилишимнинг асл сабаби — ҳақ-ҳуқуқларимни қонун доирасида ҳимоя қилиб, мени ишга тиклаган, ҳақиқат тантана қилишига ўз ёрдамини аямаган Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда унинг юридик бўлими ҳуқуқшуносларига ўз миннатдорчилигимни билдиришдир.

«СЕВГАН ИШИМГА ҚАЙТДИМ»

Гап шундаки, касаба уюшмалари «Куч — адолатда» эканлигини яна бир карра исботлади. Ўз ҳаётим мисолида гувоҳ бўлдимки, бу ташкилот фуқароларнинг ҳақиқий ҳимоячиси ва суянчи экан. 2009 йилдан Тошкент вилоятининг ДТ «Халқ банки» Бўка туман филиалида кадрлар билан ишлаш бош мутахассиси лавозимида ишлаб келганман. Банк бошқарувчиси 2012 йил 15 март 13-сонли буйруғи билан мен билан тузилган меҳнат шартномасини Меҳнат Кодексининг иккинчи қисми 3-бандига асосан бекор қилди.

2012 йил 6 апрелда ўз ҳақ-ҳуқуқим поймол қилинганини билиб, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашига ариза билан мурожаат қилдим. Бирлашма кенгашининг масъул ходимлари жойига чиқиб аризамни ўрганишди. Меҳнат Кодексининг 100-, 101-, 174-, 178-, 176-, 181-, 182-моддалари қўпол равишда бузилиб, мен билан тузилган меҳнат шартномаси қонунга зид равишда бекор қилинганини иш берувчига тушунтиришди. Аммо бундан ҳеч қандай натижа чиқмади. Ушбу ҳолатдан сўнг, бирлашма кенгаши ёзма равишда ДТ «Халқ банки» Бўка туман банк бошқарувчиси номига тақдимнома киритди. Бироқ ёзма тақдимномага қонуний жавоб олинмагани ва камчиликлар бартараф этилмагани сабабли 2012 йил 8 июнда Тошкент вилояти Фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро судига даъво аризаси киритилди ва судда касаба уюшма юристи ишончли вакил сифатида менинг ҳақ-ҳуқуқларимни ҳимоя қилишда қатнашди. Суд жараёни етти ой давом этди.

Фуқаролик ишлари бўйича Ўртачирчиқ туманлараро судининг 2012 йил 21 декабрдаги ҳал қилув қарорига асосан даъво талаблари қаноатлантирилди. ДТ «Халқ банки» Бўка туман филиалининг 2012 йил 15 мартдаги 13-сонли буйруғи ғайриқонуний деб топилиб, бекор қилинди. Мен ўз лавозимимга қайта тикландим. ДТ «Халқ банки» Бўка туман филиалидан менинг фойдамга 1 млн. 892 минг 835 сўм иш ҳақи ва 300 минг сўм маънавий зарар ҳамда давлат фойдасига 209 минг 180 сўм давлат божи ундирилди.

Аммо, ДТ «Халқ банки» Бўка туман филиали ҳал қилув қароридан норози бўлиб, Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят судига кассация инстанциясига даъво аризаси киритди. Менинг ҳақ-ҳуқуқларимни бирлашма кенгашининг юридик бўлим мудири Наргиза Асадова ишончли вакил сифатида ҳимоя қилди. Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят суди кассация инстанциясининг ажрими чиқарилиб, жавобгар — «Халқ банки» Бўка туман филиалининг қарши даъво талаби рад этилди. Ҳозирда ўзимнинг севган ишим — кадрлар билан ишлаш бош мутахассиси лавозимида ишлаб келмоқдаман.

Ҳақиқат эгилади, лекин синмайди, деганларидек адолат қарор топди. Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашига ўз миннатдорчилигимни билдираман. Ана шундай савобли ишларда касаба уюшмаларига куч-қувват тилайман.

С.НАЗАРОВА,
ДТ «Халқ банки» Бўка туман филиали кадрлар билан ишлаш бош мутахассиси

ЎЗБЕКИСТОН —

Қишлоқ саноати

Работиқалмоқ — Бухоро вилоятининг намунали қишлоқ фуқаролар йиғинларидан бири. 8 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилаётган ҳудудда мустақиллик шарофати билан туб ўзгаришлар рўй бериб, меҳнат аҳлининг турмуш даражаси кескин яхшиланди.

ЭКСПОРТБОП МАҲСУЛОТЛАР

Замонавий турар-жойлар, равон йўллар, боғ-роғлар, хонадонларда чорва моллари, иссиқхоналар салмоғи ошаётгани кишининг ҳавасини келтиради. Қишлоқ фарзандлари учун мактабгача таълим муассасалари, мактаб, коллеж, стадион ва спорт заллари ҳамда майдончаларининг замон талабига мос фаолияти ота-оналарни беҳад мамнун этмоқда. Мазкур ҳудудда бўлганимизда қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Давлат Сайфуллаев бу ҳақда жўшиб гапирди.

— Туб ўзгаришларнинг яна бир муҳим жиҳати бор, — дейди суҳбатдошимиз. — Кейинги 8-10 йил ичида қишлоқларимизда ўндан ортиқ саноат корхоналари ишга туширилди. Юзлаб аҳоли, айниқса, ёшлар иш ўрнига эга бўлаяпти. Фаолияти бошланганига энди бир йилдан ошган «Бухоро шатен клеан» МЧЖда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга нафақат вилоятимизда ёки мамлакатимизда, балки хориж давлатларида ҳам талаб ортиб бормоқда.

Раис ҳамроҳлигида мазкур корхонада бўлдик. Тадбиркор, олий маълумотли инженер-технолог Мурод Саидов раҳбарлик қилаётган корхонада 38 нафар ишчи-мутахассис меҳнат қилаяпти. Уларнинг аксарияти қишлоқ ёшлари. Асосан Хитой технологияси билан жиҳозланган МЧЖда кир ювиш воситалари ишлаб чиқарилади. Қисқа вақтда бу ерда бир кеча-кундузда 10 тоннагача 7 турдаги маҳсулот тайёрлаш йўлга қўйилди.

Корхона мутахассислари «Бухоро шатен клеан» номи хитойча бўлиб, ўзбек тилига таржима қилинганда «Бухоронинг хушбўй гуллари» маъносини англатишини айтишди. Ҳақиқатан ҳам тайёрланаётган кир ювиш воситаларининг қай бирини қўлингизга олманг, атрофга ёқимли, хушбўй ҳид таралади. Турли ўлчамда, чиройли халтачаларда қадоқланаётган маҳсулотларнинг асосий таркибини маҳаллий хомашё ташкил этади. Фақат бир қисм аралашмалар Хитой, Венгрия, Руминия ва Туркиядан келтирилади.

Ўтган йили корхонада 2400 тонна кир ювиш кукуни тайёрланиб, аксарият қисми мамлакат ички бозорларига чиқарилди. Қўшни Афғонистонга экспорт қилинди.

Амалдаги режалар кўлами янада катта. Маҳсулот сифати ва салмоғини ошириш, қўшимча иш ўринлари яратиш мақсадида Хитойдан замонавий технологияларни келтириш кўзда тутилган. Бу билан 18 турдан иборат, йилига 3500 тоннагача кир ювиш воситалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Шунингдек, Қозоғистон, Туркманистон ва Тожикистондан келаётган буюртмалар асосида экспорт ҳажми янада ортади.

МЧЖда ҳар бир ходимнинг меҳнатига яраша манфаатдорлиги таъминланган. Маош вақтида тўлаб борилади. Улар учун хавфсиз меҳнат шароити яратилган. Махсус кийим-бош ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланган. Ходимларга бепул сут-қатиқ, иссиқ овқат берилади. Шинамгина дам олиш, шунингдек, ювиниш хоналари мавжуд. Баҳор ва ёз ойларида корхона маблағи ҳисобидан республикамизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар ташкил этилади. Бу меҳнат аҳлини мамнун этиб, янги зафарларга чорлаяпти.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Суратда: корхонанинг илғор ишчилари Зуҳра Холова ва Нигора Розиқова
Муаллиф олган сурат

Ислоҳот одимлари

Мамлакатимизда автомобил йўлларининг умумий узунлиги 184 минг километрни ташкил этади. Умумфойдаланувдаги автомобил йўлларнинг 4265 километри «Ўзбекавтойўл» давлат акциядорлик компаниясига қарашли бўлиб, йўлларни техник соз ҳолатда сақлаш учун 13 та ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилотлари, 8 та минтақавий халқаро ҳамда давлат аҳамиятидаги автомобил йўлларини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш ва фойдаланиш корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

ЙЎЛ ҚУРГАН

Таъкидлаш жоизки, истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ замонавий, қулай автомобил йўлларини бунёд этиш ва реконструкция қилиш ишларига катта эътибор қаратилди. Жумладан, 3 минг километрдан ортиқ автомобил йўллари реконструкция қилинди. Пойтахтни водий билан боғловчи Қамчиқ довонида 2 та 2,5 километрлик ерости йўли қурилди. Юртимиз ҳудудидаги йирик шаҳарларни айланиб ўтиш йўллари бунёд этилди. Ўз касбининг чинакам устаси бўлган моҳир кўприксозлар томонидан 175 та умумий узунлиги 6645 погонометр бўлган кўприк, 19 та йўл ўтказгич ва транспорт ечимлари қурилди, реконструкция қилинди. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 июндаги «Қамчиқ» довони орқали барқарор транспорт алоқасини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан ушбу ҳудудга катта миқдорда сармоя ажратилди. 2011-2012 йил давомида «Тошкент — Ўш» автомобил йўлининг 100 километрлик йўлини қайта қуриш ва ре-

Бандлик

Нафосат Атаханова Хонқа туманининг Сарапаён қишлоғида истиқомат қилади. Ўтган йил тиришқоқ қиз Хонқа иқтисодиёт коллежини тамомлаётиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ниятида эканлигини баён қилди ва ўз бизнес режасини ишлаб чиқди.

КЕЛАЖАК УЧУН САРМОЯ

Унинг лойиҳаси мутасаддиларга маъқул бўлди ва у туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан якка тадбиркор сифатида рўйхатга олинди. «Микрокредитбанк» Хонқа туман минибанки эса 3 миллион 100 минг сўм миқдорида йилига 3 фоизли имтиёзли кредит ажратди. Эндиликда чевар Нафосатни қишлоқда билмаганлар кам.

Бундан ташқари, Хонқа агросаноат касб-ҳунар коллежи битирувчиси Соҳиба Ибрагимова уй ҳайвонларини парваришлаш, Хонқа педагогика ва спорт коллежи битирувчиси Иноят Салаев сервис хизматини йўлга қўйиш мақсадида 3 миллион 100 минг сўм миқдорида кредит олди.

Ўтган йили Хонқа туманидаги касб-ҳунар коллежларини 2744 ўқувчи тамомлаб, уларнинг 2539 нафари ишга жойлаштирилган эди. Битирувчилардан 105 нафарига Микрокредитбанк Хонқа туман минибанки томонидан 325 миллион 500 минг сўм миқдорида имтиёзли кредит берилди. Бу маблағлар ёшларнинг ўз фаолиятларини йўлга қўйишларида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

Мустақиллик шарофати

2007 йилнинг 25 апрели Шўртангазкимё мажмуаси ҳаётида умрбод эсда қолади. Ўша куни корхона тарихий музейи очилди. Тадбирда қатнашган республика ва вилоят раҳбарлари музей замонавий дизайн асосида лойиҳалаштирилганлиги, заллари махсус мебеллар, жавонлар билан жиҳозланганлигини ва экспонатлар, фотосуратлар, ноёб ҳужжатлар, энг асосийси, мажмуа қурилиши жараёнида ишлатилган кўплаб ускуна, мослама асбоблар белгиланган тартибда ўз ўрнини топганини алоҳида таъкидладилар.

АСР

— Бу табаррук масканнинг тарбиявий аҳамияти беқиёс, — дейди музей директори Мажид Рашидов. — Барча талабларга жавоб беради. У ёшларимиз онгини шакллантиришга кўмак берадиган ажойиб маданий ва маърифий маъводир.

Гид-экскурсовод Анна Шомуротова мамлакатимиз раҳбари ноёб корхона қурилишига ниҳоятда катта эътибор қаратганлиги ҳақида тўлқинланиб сўзлайди. Стендларда газ-кимё мажмуаси қурилишини ташкил этиш ва жадаллаштиришга оид ҳукумат қарорлари, Президентимиз Фармонларининг нусхалари. Мажмуа қурилиши ва унинг очилиши муносабати билан Юртбошимизнинг ташрифидан ҳикоя қилувчи фотолавҳалар ўрин олган. Газ-кимё мажмуасининг айни шу ҳудудда, Ғузор туманининг асосан чорва боқиладиган, Бўзахўр, Откудуқ, Эшонқудуқ, Кенгсойнинг яйловлари танланганлиги бежиз эмас, албатта. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «Ер куррасида нефт ва газ конлари жуда кўп, лекин таркибида этан моддаси сероб бўлган газ манбалари дунёда ғоят кам учрайди. Бугунги кунда жаҳон саноати янги технологиялар, янги ишлаб чиқариш усулларини қўллаётган бир пайтда этан моддаси кўпдан-кўп кимёвий маҳсулотлар олиш учун, полимер ва пластмасса тайёрлаш учун асосий хом ашё ҳисобланади. Ана шундай ўта ноёб манбалардан бири айнан Қашқадарё воҳасида, Шўртан заминида жойлашгани табиатнинг бизга ато этган бебаҳо инъомидир».

Мустақиллик шабадаси эсиб, мамлакатимиз истиқлолга эришганидан сўнг мураккаб технология билан ишлайдиган заводни ишга тушириш учун дадил ҳаракатлар бошланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 11 ноябрда полиэтилен ишлаб чиқарадиган Шўртангаз кимё мажмуа қурилиши тўғрисидаги қарори «Ўзбекнефтгаз» Миллий корпорациясига Шўртангазкимё мажмуаси бўйича дастлабки лойиҳалашни белгилаш тўғрисидаги битимни «Эй-Би-Би Луммус Глобал», «Нишо Иваи» ва «Мицуи» консорциуми билан имзолаши учун йўл очиб берди.

Шундай қилиб, 1997 йил ноябр ойининг изғиринли кунларида Қашқадарё вилоятининг Ғузор тумани ҳудудида Марказий Осиёда ўхшаши бўлмаган улкан саноат корхонаси — Шўртангаз кимё мажмуаси қурилиши бошланди.

Нуристондаги ишчилар шаҳарчасида шинам уй-жойлар қад ростлади. Этилен, полиэтилен цехлари, ичимлик суви билан таъминлайдиган насос станциялари пойдевори, темир-бетон конструкциялар кўкка бўй чўзди.

Янги корхонанинг МДҲда муқобили йўқ. Ишлаб чиқариш иншоотларининг ўзи 150 гектардан зиёд майдонни эгаллайди. Мазкур лойиҳа технологик қисмининг баҳоси 656,6 миллион АҚШ долларига тенг. Бундан ташқари, ҳудуддаги инфратузилмани барпо этишга 320 миллион долларлик маблағ сарфланди.

Корхонадан 3 километрлик бўлган масофада барча қулайликларга эга бўлган замонавий ишчилар шаҳарчаси, 11,5 миллион кубометр сиғимли суғ ичиладиган сув омбори, теварак-атрофда 320 гектар майдонда яшил ўрмонзор ташкил этилди.

1998 йилда «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси ҳамда АҚШнинг «Эй-Би-Би Луммус Глобал» Италиянинг «Эй-Би-Би Соуми», Японияниг «Нишо Иваи», «Мицуи» ва «Тойо-Инжиниринг» компанияларидан иборат халқаро консорциум ўртасида корхонани лойиҳалаштириш, ускуналар етказиб бериш, қурилиш борасида шартнома имзоланди.

Йирик лойиҳани амалга оширишда АҚШ, Германия, Япония, Италия, Канада, Жанубий Корея, Россия сингари давлатлар компаниялари иштирок этдилар. Уни молиялаштириш АҚШ ва Японияниг экспорт-импорт банклари, Германиянинг «Термес» кредит агентлиги, АҚШнинг «Чейз Манхеттен», Германиянинг «Коммерцбанк» банклари томонидан амалга оширилди. Қисқа вақтда янги мажмуанинг бунёд этилиши ҳамкорликнинг ёрқин намунаси, ўз эркига эга бўлган халқимиз мустақиллигининг мевасидир.

— Корхона менинг шаъним, фахрим, ғурурим ва виждоним, — дейишади корхона ишчилари қувонч билан. — У иқтисодий жиҳатдан ривожланган дунёнинг манаман деган корхонаси билан беллаша олади.

2001 йилнинг декабр ойида мамлакатимиз Президенти иштирокида ишга туширилган Шўртангазкимё мажмуаси ўтган йиллар давомида шундай улкан ютуқларга эришдики, уларни кўриб, билиб турган хорижий мутахассислар ҳам аҳил ва иноқ жамоа фаолиятига юксак баҳо беришяпти.

— Бултур барча техник, иқтисо-

Буюк имкониятлар мамлакати

ЕТАР МУРОДГА

конструкция қилиш ҳамда модернизация ишлари бажарилди. Мамлакатимизда ўтган давр давомида қарийб 500 километрлик тўрт полосали замонавий автомобил йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари бажарилди. Бу йўлларнинг 163 километрини цемент-бетон, 335 километрини эса асфалт-бетон ташкил этади.

Йўлсозликдаги эришган катта ютуқлардан бири, бу умумий узунлиги 116 километрлик Гулистон — Оҳангарон автомобил йўли фойдаланишга топширилгани бўлди. Мазкур йўлда Мирзачўл воҳаси ҳудудидаги Дўстлик канали, Сирдарё ва Тошкент вилояти ҳудудидаги Оҳангарон дарёлари устидан 3 та катта ва 26 та кичик кўприклар бунёд этилди. Шунингдек, Сирдарё ва Бўка шаҳарларида, темирйўл устидан 3 та йўл ўтказгич қурилди. Гулистон — Оҳангарон автомобил йўлининг фойдаланишга топширилиши туфайли мамлакатимизнинг ғарбий вилоятларидан пойтахтга кирмасдан Фарғона водийсига борадиган йўл роппа-роса 61 километрга қисқарди. Бу бир кеча-кундузда 38 минг литр ёнилғи тежалади, деганидир. Соҳа мутахассисларининг эътироф этишича, бу қулайликлар натижасида юртимиз пойтахтининг экологик ҳолати тубдан яхшиланиб, йўлтранспорт ҳодисаси камаяди. Транспорт воситаларининг амортизация харажатлари қисқариб, халқ хўжалиги ҳар куни 60-70 миллион сўм соф фойда кўради.

Мамлакатимизда йўл соҳасидаги улкан бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг «2011-2015 йилларда инфратузилмали транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги Қарорига асосан тузилган Дастур бўйича 2012-2015 йиллар мобайнида 2306 километр йўл қурилиб, реконструкция қилинади.

Анорбой НОРҚУЛОВ

Матбуот анжумани

Ўзбекенгилсаноат Давлат акциядорлик компанияси «2012 йил иш фаолияти якунлари ҳамда 2013 йилдаги енгил саноат тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари» мавзуида матбуот анжумани ўтказди.

СУРЪАТ ЎСАДИ, ЭҲТИЁЖ ҚОНДИРИЛАДИ

Анжуманда ўтган йил натижалари сарҳисоб қилиниб, жорий йил амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз юритилди.

Хусусан, 2012 йил енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1734,9 млрд. сўмни ташкил этди. Шу жумладан, 100 дан зиёд турдаги ва 160 хил ассортиментдан ортиқ 607,2 млрд. сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 145,2 фоизга етди.

Ташқи иқтисодий алоқалар, Инвестициялар ва савдо вазирлиги билан ҳамкорликда Бразилия, Бангладеш, Венесуэла, Индонезия, Перу, Чили, Колумбия, Франция сингари қатор давлатларга маҳсулотлар муваффақиятли экспорт қилинди.

Муқобил бозорлар топиш мақсадида компания корхоналари Россия, Болтиқбўйи республикалари, Туркия ҳамда Малайзияда ўтказилган ярмаркаларда иштирок этиб, ўзаро шартномалар тузишга эришди. Айни чоғда йирик экспортёр корхоналар томонидан 55 дан зиёд дилерлик тузилмалари Европа иттифоқи, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳамда Осиё давлатларида ташкил этилган.

Ўтган даврда тайёр маҳсулотлар экспорти ҳажми кескин ортди. Жорий йилнинг январ-август ойларида 705,3 млн.доллар миқдоридаги маҳсулот экспорт қилинди. Айни пайтда компания тасарруфидаги 180 та корхона ишлаб чиқарган маҳсулотларининг 70 фоизини экспорт қилаётир.

Корхоналарни технологик янгилаш жараёни давом этиб, 711 та эски тўқув, йигирув, тикув ускуналари замонавий дастгоҳларга алмаштирилди. 2009-2011 йиллар мобайнида катта миқдорда инвестиция киритилиб, 101 та корхона ишга туширилди. «2013 — 2016 йиллар республика ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури»га мувофиқ маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда жойларда умумий қиймати 1286,3 млн. доллар бўлган 1629 та лойиҳадан иборат янги қувватларни ташкил этиш режалаштирилди. Ва бу 63194 та янги иш ўрни яратилишига имкон беради.

Республиканинг ҳар бир шаҳар ва туманларида камида 200 тадан тикувчилик дастгоҳлари ўрнатиш бўйича 2013 йилга мўлжалланган манзилли дастурга асосан 41935 та тикувчилик дастгоҳи ёрдамида умумий қиймати 564,2 млрд. сўм бўлган 241,9 млн. дона маҳсулот ишлаб чиқарилади. Бу лойиҳаларни амалга ошириш учун 90,8 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланади. Шундан 35,1 млн. доллари лойиҳа ташаббускорларининг шахсий маблағлари, 5,7 млн. доллари чет эл инвесторларининг сармоялари ва 50,1 млн. доллар эса тижорат банкларининг кредитларидир. Ушбу ишлар амалга ошириши билан яна 47967 та иш ўрни барпо этилади.

Тадбирда таъкидланишича, эндиликда енгил саноатни ривожлантириш стратегияси нафақат тугалланмаган босқичга (ип – калава, газлама), балки тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилади. Лойиҳаларни амалга оширишда ҳудудларнинг эҳтиёжини қондириш билан мавжуд хом ашё манбалари ҳамда ишчи кучи ишлаб чиқаришга жалб этилади. Бундан ташқари, 2012-2015 йилларга мўлжалланган дастур доирасида кўриладиган чоралар натижаси саноат маҳсулотларининг ўсиш суръатини йилига 120 фоизга, экспорт ўсишини 10 фоизга, ички бозор эҳтиёжини қондиришни (экспортни ҳисобга олганда) 40 фоизга етказишдан иборат бўлади.

Шарофат НОРҚУЛОВА, «Ishonch» мухбири

Ҳамкорлик қирралари

ЁРҚИН РЕЖАЛАР ОҒУШИДА

«Жиззахпластмасса» очиқ акциядорлик жамияти ишлаб чиқариш қуввати кейинги йилларда кескин ошиб, халқ хўжалигига етказиб бериладиган маҳсулот турлари кўпайди. Уларнинг айримлари плёнка остида пахта ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришда фермерларнинг яқин кўмакдошига айланиб улгурди. Шу йилнинг ўзида биргина Сурхондарё вилоятидан 500 тонна плёнкага буюртма тушган.

Фақат бугина эмас. Экологик тоза, зангламайдиган пластмасса қувурларига ҳам талаб ортиб бормоқда. Мутахассисларнинг айтишича, пластмасса қувурлари темир қувурларга қараганда чидамли ва сувнинг таркиби бузилмаслигини таъминлайди.

Корхонада болажонлар учун ҳам турли пластмасса ўйинчоқлар тайёрланади. Экологик тоза, соғликка зарар қилмайдиган ўйинчоқларнинг ўнлаб хиллари савдо расталарида узоқ туриб қолмаётгани уларнинг сифатидан далолат.

Жамиятнинг ишлаб чиқариш қуввати ошгани, маҳсулот турлари кескин кўпаяётгани туфайли касб-ҳунар коллежларини битирган ёш мутахассислар ишга жалб этилаяпти.

— Келажакда бу ишлар кўлами янада ошади, — дейди очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Элёр Тўрақулов. — Бунинг учун, биринчи навбатда, чет эл инвестициясини жалб этиш асосий масаладир. Шу маънода Президентимизнинг «Жиззах» махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида»ги Фармони айни муддао бўлди. Энди рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий, юксак технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шароитларни шакллантириш имконига эга бўламиз. Ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ҳамда самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида Ўзбек-Хитой саноат паркини барпо этиш лойиҳасини амалга оширишда ушбу фармон муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Пардабой ТОЖИБОЕВ, журналист

АГРАР СОҲАДАГИ ВАЗИФАЛАР

Жиззах вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати томонидан «Қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантириш, соҳада тадбиркорлик учун яратилаётган имкониятлар, ишга туширилган бизнес-лойиҳалар ва истиқболдаги режалар» мавзуида матбуот анжумани ташкил этилди.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Абдукарим Холматов мавзу юзасидан ахборот берар экан, вилоятда олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар устувор вазифаларни сўзсиз амалга оширишга қаратилганини таъкидлади.

Хусусан, 1040 та фермер хўжалигида боғ ва токзорлар барпо этилиб, кўчатчилик, сабзавотчиликни ривожлантириш баробарида сервис хизматларини йўлга қўйиш ҳам кўзда тутилган. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, қорамолчилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичиликни ривожлантириш каби 8 та йўналиш бўйича 1087 та лойиҳа доирасида 41 миллиард 412 миллион сўм маблағ сарфланиши режалаштирилган. Ана шулар ҳисобига 11154 та янги иш ўрни барпо этилади.

Бугина эмас. Шунингдек, 1588 гектарда маҳаллий, 152 гектарда интенсив боғ ҳамда 1519 гектарда токзор барпо этиш лойиҳалари амалга ошириляпти. Пиллачилик соҳаси ҳам четда қолаётгани йўқ.

Дала ишларида қатнашадиган 2012 та чопиқ трактори, 1857 та культиватор, 973 та чигит сеялка, 331 та чизел, 255 та ер текислагич, 350 та ОВХ пуркагичи, 9536 та тишли борона тахт қилиб қўйилди. Галла ўримида қатнашадиган 305 та юқори унумли комбайн ҳам мавсумга шайланмоқда. Жорий йилда манзилли Дастур асосида жами 50,3 миллиард сўмлик 1518 та техника ва агрегат сотиб олиниб, деҳқонлар ихтиёрига берилади. Ирригация тармоқларини тозалаш ишларига 24 та экскаватор жалб қилинган.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди.

Абдуманнон АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

МЎЪЖИЗАСИ

дий, молиявий кўрсаткич режалари ошириб барпо этилди, — дейди мажмуа директори, Олий Мажлис сенати аъзоси Алишер Султонов. — Иқтисодий манфаатдорлик ортиб, ишчи-хизматчилар, инженер-техник ходимларнинг моддий манфаатдорлиги яхшиланиб бормоқда. Айни пайтда суюлтирилган газ ва полиэтилен гранулалари АҚШ, Россия, Хитой, Украина, Қозоғистон, Полша, Грузия, Туркия, Эрон, Афғонистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон каби 15 дан ортиқ хорижий мамлакатларга экспорт қилинди.

Жамоа ўта мураккаб технологик қурилмаларда амалга ошириладиган технологик режимларни назарий ва амалий жиҳатдан мукаммал ўзлаштириб, энг юқори ишлаб чиқариш қувватига эришмоқда. Тайёрланадиган маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари жаҳон стандартлари талабларига тўлиқ жавоб бериши туфайли ички ва ташқи бозорда талаб катта.

Корхонанинг этилен цехида тозаланмаган газни қабул қилиш 380 тоннага етказилган бўлса, полиэтилен цехида ярим йилда 2406 тонна бутан, 16 хил маркадаги 61240 тонна полиэтилен грануласи ишлаб чиқарилди.

Этилен цехида газни ажратиш, иссиқлик ва совуқлик жараёнлари, пирогаз тайёрлаш, олтингугурт олиш каби 5 та асосий қурилмалар тўла қувват билан ишламоқда. Энг асосийси, табиий газ хом ашёси 30 фоиз диэтаноломин ёрдамида нордон газлар, водород сулфид, карбонат ангидриддан тозаланади. Шундан сўнг хом ашё қуритилиб, углеводород аралашмалари қайнаш ҳароратларига қараб 100 фоиз метан, этан, пропан, бутан ва С5 фракцияларига ажратилади.

Мутахассисларнинг хорижий мамлакатларда малака оширишларига кенг имкониятлар яратилган бўлиб, улар Америка Қўшма Штатлари, Греция, Жанубий Корея, Италия, Россия, Таиланд, Хитой каби давлатларнинг нуфузли компаниялари ва тажриба орттиришган. Бир гуруҳ мутахассислар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Тошкент кимё-технология институти магистратурасида ўқиб магистрлик даражасига эга бўлишди.

— Шўртангазкимё мажмуасидек қудратли саноат корхоналари қитъамизда саноқли, — дейди бу ерда ишлаган ҳиндистонлик мутахассис Нанжафаре Чандра Кант Ситарам. — Технологияларининг замонавийлиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати ва ҳажми жиҳатидан дунёдаги ҳар қандай корхона билан рақобатлаша олади.

Бу ерда корхона ишчилари, инженер-техник ходимлар ва уларнинг оилалари учун барча қулайликлар яратилган. Қарши шаҳрида 8 минг томошабинга мўлжаллаб қурилган стадион ғарбий ва шарқий трибуна, ёпиқ манеж, ёзги пляж, 520 ўринли томошагоҳ ва болалар спорт майдончасидан иборат. Бу ерда шейпинг, аёллар машқ заллари, спортнинг бодибилдинг, у-шу, каратэ-до, волейбол, баскетбол, гандбол, мини футбол, бадийий гимнастика сингари ўндан ортиқ тури бўйича секциялар ишлаб турибди. Бу секцияларда 5 минг нафарга яқин ўғил-қизлар ва ишчи-хизматчилар шуғулланади. Эътиборли жиҳати, тўгаракларда жаҳон ва Осиё чемпионлари, мамлакатимизда танилган спорт усталари мураббийлик қилишмоқда.

Мажмуанинг спорт-соғломлаштириш марказида хотин-қизлар, эркаклар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги, пляж футболи бўйича Осиё ва жаҳон чемпионати ўтказиляпти. 2004 йилдан буён Ўзбекистон чемпиони, Осиё ўйинларида совринли ўринларни қўлга киритган «Севинч» хотин-қизлар футбол жамоасининг довруғи ҳудудлар оша дунёга таралган.

Корхонага қарашли Нуристондаги «Эркатой-1», «Эркатой-2», Қарши шаҳридаги «Эркатой-3» болалар боғчаларида ишчи-хизматчиларнинг 600 нафардан ортиқ ўғил-қизлари тарбияланмоқда.

Тоғлар бағридаги Ҳисорак қўрғонида жойлашган «Лочин» оромгоҳи халқаро талабларга тўлиқ жавоб беради. Бу масканда Туркия, Украина, Беларус давлатларидан келган болалар ҳам дам олиб кетишяпти.

«Қаршитермопласт» цехида экологик жиҳатдан хавфсиз, диаметри 25 миллиметрдан 630 миллиметргача бўлган полиэтилен қувурлар ва уларни боғловчи деталлар, деҳқончилик билан шуғулланаётган фермерлар учун суғориш тизими шланглари ҳамда уларнинг боғловчи қисмлари, турли рангдаги, исталган ҳажмдаги қурилишда безак ишлари учун фойдаланадиган алюмин композитли қопламалар ишлаб чиқарилмоқда.

— Ҳа, Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи соҳаларидан бири ҳисобланган нефтгаз саноатининг тараққиётига Шўртангазкимё мажмуаси катта ҳисса қўшмоқда. — Бу корхона республикамизнинг улкан имкониятлар мамлакати эканлигини оламга намойиш этмоқда.

Асрларга татигулик йиллар солномаси ўз ифодасини топган бу йирик мажмуа инсоннинг мислсиз ақл-идроки ва яратувчилик меҳнатининг ҳақиқий мўъжизасидир.



Иззат ҲИКМАТОВ, «Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг филиаллари ҳамда бўлимларининг фаолиятига бағишланган навбатдаги матбуот анжумани бўлиб ўтди.

ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ... КЕЧИКМАЙДИ

Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимовнинг берган маълумотларига кўра, ҳозирда юқори талаб ва мезонларга мос ихтисослаштирилган вилоят шифохоналари, уларнинг шаҳар ва туман бўлимлари қошидаги тез тиббий ёрдам кўрсатиш бўлимларида янгича тизим шакллантирилди. Ушбу марказлашган тизим асосида республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг жойлардаги 13 та минтақавий филиали, шунингдек, туман тиббиёт бирлашмалари қошидаги 172 та субфилиали фаолият кўрсатаяпти. Бундан ташқари, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида «103» хизмати станциялари, тез тиббий ёрдам гуруҳлари ҳамда санитар авиация хизмати йўлга қўйилган. Тез тиббий хизмат кўламини янада кенгайтириш мақсадида махсус транспорт воситалари сони 850 тага етказилди.

Ўтган йилда 9 млн. нафардан ортиқ беморга шошилинч ва тез тиббий хизмат кўрсатиш, жумладан, 730 минг нафардан зиёд беморга юқори малакали стационар ва 1 млн. нафардан зиёдига амбулатор ёрдам кўрсатиш ҳамда тез тиббий ёрдам «103» хизмат ва санитар авиация томонидан 7 млн. дан зиёд чақириқлар вақтида бажарилди.

Эътиборли жиҳати, тиббиётнинг ушбу йўналиши бўйича фаолият кўрсатаётган мутахассислар АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Россия, Франция, Буюк Британия ва бошқа кўплаб мамлакатлардаги ҳамкасблари билан доимий ҳамкорликда самарали фаолият юритмоқдалар.

Тадбирда Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг филиаллари ҳамда бўлимларининг фаолияти тўғрисида филм намойиш этилди.

Дарҳақиқат, бугунга келиб марказни янгиланишга юз тутган замонавий шифо масканларидан бири сифатида эътироф этиш мумкин. 760 ўринга мўлжалланган сўнгги русумдаги асбоб-ускуналар билан жиҳозланган муолажа хоналарида саноқли дақиқаларда аниқ ташхис қўйиш ва ноёб даво усуллари қўлланиладиган даволаш-ташхис бўлимлари туну кун эл хизматида. Шифохонада реанимацион-жарроҳлик, терапевтик ҳамда педиатрия йўналишларидаги 26 та клиник бўлим фаолият кўрсатмоқда. Кардиология ва Антиография бўлимларида юрак ишлаб турган ҳолатида юрак шох томирларини стентлаш ва яна бир қатор ноёб жарроҳлик амалиётлари бажарилмоқда.

Раъно МАҲКАМОВА, «Ishonch» мухбири

Ishonch
2013-yil 2-aprel № 40-41 (3234)

■ 9 апрел — Амир Темур таваллуд топган кун

СОҲИБҚИРОН ШАХСИ ВА ОБОДОНЧИЛИК ИШЛАРИ

Озод одамнинг кўнгли боғларга, гулларга талпинади ва шу боис, ўзини ҳам, ўзгалар кўнглини ҳам обод этишни ихтиёр этади, бу биринчи томони; иккинчи томони шуки, у адолат туйғуларида яшайди ва оламга покиза, тоза нигоҳ билан бўйлайди. Бунда жуда катта ҳикмат ва жуда катта маъно борлигини, албатта, ҳар биримиз яхши англаймиз.



◆ Хитойлик сайёҳ Чань Ян пахтани кўриб, ҳайрон қолганди.
◆ Абдуллоҳ Ҳотифий нега ўз «Хамса»сининг тўртинчи достонини ўзгартирган эди?
◆ Амир Темурнинг Маҳмуд Шабустарий қишлоғида тўхтаб ўтиши сабаблари.
◆ 175 та қирмизи ҳашарот
◆ Самарқандлик ижодкор ҳунармандлар.

Юнонлар шоҳ Искандарни улуғ файласуф тарзида оламга танитдиларким, бундан кўзланган мақсад шу эдики, унинг барча ҳарбий юришларини мантиқ олами гуллари билан абадий ёпишни ва дунё Искандар деганда пайғамбар даражасидаги кишини тушуниши лозим эди. Шундай бўлди ҳам. Бу фикримизни кейинга қолдирайлик-да, мозийга боқайлик: бундан 3,5 минг йил олдин бизда маданият, ҳунармандчилик, бунёдкорлик юксак даражада ривожланмаганида, турли қимматбаҳо маъданлар қазиб олиниб, улардан фойдаланилмаганда, бойлигимиз бўлмаганда, биров эшигимиздан мўралармиди?! Ёв нега босиб келади? Қуруқ чўлгами?! Йўқ, асло! Бундан икки минг, уч минг йиллар олдин ҳозирги Сурхондарё ҳудудида ганчкорлик, ҳайкалтарошлик, кулолчилик шу даражада юксак тараққий этган эдики, уларнинг қолдиқларини кўриб, ҳайратга тушасан киши. Айритомдан топилган мусиқа чалаётган аёл ҳайкалини кўринг: ҳозирги тил билан айтганда «шедевр», санъаткор аёлнинг юз ифодаси, чарос кўзлари, мусиқа асбоби — гўёки тирик, жонли қиёфа; ёки Шўрчи туманидаги Далварзинтепа харобаларидан топилган олтин тақинчоқлар-чи?! Бундан икки минг йил олдинги заргарларнинг ўта нозик ва ўта мураккаб ишларини кўриб, ҳунарларига тасанно дейсиз.

«Авесто» ёзувларини кўз олдингизга келтиринг! Бизга араб илмоси кириб келишига ҳали 1,5 минг йил бор эди. Чингизхон билан бирга келган хитой сайёҳи Чань Ян пахтани кўриб, ўсимликнинг ҳам жуни бўлар экан-да, деган. Шунақа, гап келганда, отангни аяма, керакли пайтда андиша ҳам камтарликка соя солади. Тарихни яхши билмаслигимиз ўзимизга панд беради.

Гап шуки, Амир Темурдек маданиятли, адолатли ҳукмдор тарих саҳнасида ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолган эмас ва уни биз, Асқад Мухтор айтганидек, файласуф даражасига кўтаришимиз шарт эмас, чунки бу зотнинг ҳеч қандай мақтовга муҳтожлик жойи йўқ, унинг ўзи ҳали ҳаётлик пайтида муаррих Низомиддин Шомийни ҳузурига чақириб, ҳаёти тарихи қандай бўлса, шу йўсинда ҳаққоний тўғри ёзишни, асарнинг халқ тилига яқин, содда бўлишини, уни ҳар қандай оддий инсон ҳам ўқиб тушуна билишини сўраган эди.

Форс шоири Абдуллоҳ Хотифий «Хамса» ёзишни орзу қилиб, уч китобни битди-ю, тўртинчиси «Искандарнома»ни қоғозга туширишга келганда, аҳдидан қайтиб, унинг ўрнига «Темурнома» достонини битди. «Искандар ҳақидаги афсонани такрорлагандан кўра, дунёнинг энг улуғ подшоҳи ҳақида достон битдим», дея ифтихор қилган эди кейинчалик асарининг шуҳрати, довруғини кўриб. Яна қизиғи шуки, «Хамса»нинг бешинчи достонига қўл ҳам урмади. Мана сизга ўша давр форс шоирининг буюк соҳибқиронга бўлган ҳурмати ва муҳаббати. Шу биргина ёрқин мисолнинг ўзи шўролар даврида Улуғ Амир сиймосига чапланган барча қора бўёқларни ювиб юбориб, уларнинг барча гапларини чиппакка чиқариш учун етарлидир. Орамизда ҳали ҳам ўша муҳит кирларига ўралиб юрган кимсалар борлигидан аччиқланиб, аччиқ ҳақиқатни юзларига тўкиб солгинг келади. Аслида ҳақиқат юзга айтилади, ортдан эмас.

Америкалик нафис сўз устаси — шоир Эдгар Аллан По Темурбекни жон-дилидан севиб, у ҳақда катта достон битган эди. Шунга ҳам икки юз йилдан ошяпти.

Италиялик ёзувчи Бертрано Мигнавелли (1370-1455), Жан Франческо Браччоли (1380-1459), француз мутафаккири Жан Боден (1530-1590) ўша даврларда, ҳали Амир Темур танаси совимай туриб, бу зот ҳақида дунёга машҳур асарларини битган эдилар. Бизнинг ўқувчилар энди-эндигина булардан хабар топяпти.

1590 йилда Кристофер Морло (1564-1593) Англияда «Буюк Темурбек» асарини нашр эттирган эди. Ва бу пьеса ҳалигача Лондон театрларининг саҳнасидан тушган эмас.

1706 йилда Римда Александро Скарлетти (1660-1725)нинг «Буюк Темурбек» асари саҳнага қўйилган. Орадан кўп ўтмай 1722 йилда Леонардо Леонинг (1694-1744) операси саҳна юзини кўрдики, унда Амир Темурнинг қиёфаси адолатли ифода этилган эди. Кези келганда Олмониялик Георг Фридрих Генделнинг «Темурбек» (1685-1759) операсини ҳам тилга олиш даркор. Ва бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Амир Темурнинг ҳарбий даҳоси унинг ҳаёт фаолиятида бир қирра эканлигини яхши биламиз. У зот чингизийлар зулмидан озод этган юртимизни ҳар томонлама ривожлантиришга, хусусан, мамлакатнинг таниқли, нуфузли олимлари, салоҳиятли кишилари билан маслаҳатлашган ҳолда илм-фанни, бунёдкорликни, ҳунармандчиликни ва бошқа соҳаларни қайтадан тиклашга фидойиларча жонбозлик кўрсатди. Ибн Арабшоҳ бу зотнинг ниҳоятда зукко ва тенгсиз шахс бўлганини баён этаркан: *«Темур тенги йўқ феъл-атворли, чуқур мулоҳазали киши бўлиб, тафаккур денгизининг қаъри йўқ ва тадбири тоғига на текислигу, на ғадир-будир йўллар орқали етиб бориш мумкин»*, деган эди. Ана шундай шахснинг ўз юрти ва халқининг чинакам ғамхўр ҳукмдори сифатида, албатта, ҳар соҳани ривожлантиришга етарли эътибор бергани тарих саҳифаларида ҳаққоний нақшлаб қуйилган. Биз буларни қуйидагиларда аниқ кўришимиз мумкин.

Аввало, Амир Темур истеъдодли инсонларнинг қадрига ета билди, қаерда ва қандай шароитда бўлмасин, уларга эҳтиром кўрсатиб, қўлидан келган ёрдамини аямади. Ўз юртида ва бошқа ўлкаларда, қаерда кўзга кўринган, тилга тушган ёки ўзи кўра билган истеъдодли қалб соҳиби бўлса, у билан суҳбатлашди, ишлаши, ижод этиши учун шарт-шароит яратиб, етарли маблағ билан таъминлади. Шу туфайли ҳам юртимиздан ва бошқа ўлкалардан турли истеъдод соҳиблари етишиб чиқди ва фаолият кўрсатишди. Хусусан, невараси Мирзо Улуғбекнинг етук инсон сифатида шаклланишида айнан ул зотнинг хизматлари беқиёсдир. 1403 йилда Кавказда Бойлақон шаҳрида чақирилган кенгашга олиму фузалоларни таклиф этиб, улардан мамлакатни бошқаришда, хусусан, улкан салтанатнинг ободончилиги йўлида амалга ошириладиган хайрли ишлар — жамоат бинолари ва иншоотлар қурилишида унга ўз маслаҳатлари билан кўмак беришини сўраган. Машҳур араб тарихчиси ва мутафаккири Ибн Халдун, форс шоири Ҳофиз Шерозийга кўрсатган ҳиммати ҳамон тилларда достон ва биз юзлаб мисолларни тилга олиб ўтишимиз мумкин. Ҳатто Озарбойжонда бўлганда Маҳмуд Шабустарийнинг қабрини обод этганини, унинг қишлоқдошларига 20 кг.га яқин олтин инъом этганини ҳам биламиз. Чунки ёш Темурбек Кеш мадрасасида таҳсил олганида ана шу шоирнинг «Гулшани роз» девонига киритилган шеърларини севиб ўқиган ва ёд олган эди. Орадан ўттиз йиллар ўтиб, унинг қишлоғига бориб қолганда, хотирасини ёд этиб, ҳурмат кўрсатгани биз учун катта сабоқ бўлиши лозим. Ва яна таъкидлаш керакки, унинг ҳаёти давомида бундай хайрли ишлари шунчалик кўпки, улар ҳақида ўнлаб китоблар битиш мумкин.

Амир Темур салтанати пойтахти етти иқлимда машҳур шаҳар бўлганини биламиз. Клавихо ёзадики: *«Бу ернинг бойлиги фақат озиқ-овқатнинг мўллиги билан эмас, балки ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлари: ипак матолар, кимхоб; ҳар хил ип ва жўн тўқима моллар, мўйнали ва ипакли пўстинликлар, атторлик моллари, зиравор ва дориворлар, зарҳал ва ложувардлар ҳамда молларнинг сероблиги билан эътиборлидир»*.

Амир Темур барпо этган 12 та машҳур боғ ва бошқа иншоотлар ҳатто хорижликларни ҳам лол қолдирган. Испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо «Боғи Дилкушо» ҳақида шундай ёзади: *«Соҳибқирон боғига баланд ва салобатли дарвозалардан кирилади, улар ғиштдан кўтарилган бўлиб, чинни кошинлар билан безатилган, зангори кошинларга олтин суви юритилган»*. Бурчаклардаги миноралар боққа кўрк бағишлаб турган. Боғ ўртасида хиёбон, уч қаватли кўшк ва сарой мавжуд бўлиб, деворлари кошинлар, шифтлари нақшлар билан безатилган эди. Боғнинг юқори қисмида эса бир-биридан чиройли ҳовузлар ҳам бўлган.

Битта тафсилотнинг ўзидан жуда катта хулоса чиқариш мумкин: демак, ўша даврда ўта пишиқ ғиштлар ишлаб чиқарилган, ўнлаб ғишт ишлаб чиқарувчи хумдонлар, уларнинг лойини тайёрловчи, пиширувчи моҳир ҳунармандлар кўп бўлган. Бу ғиштлар қор ва ёмғир сувларига ўта чидамлиги, қай таркибда бўлгани билан ҳамон бизни лол қолдиради. Иккинчидан, кошин тайёрлаш ўта мураккаб жараён, нозик ва майда иш. Уларга безак бериш, олтин суви юритиш эса ундан-да мураккаб жараён. Яна бошқа томони, демак, олтин кўплаб ишлаб чиқарилган, чунончи уни тош ва қумлар орасидан ажратиб олиш учун аввало жуда катта илмли мутахассислар кераклигини ҳам яхши биламиз.

Яна бир сўзга эътибор беринг: «кўшк» сўзи кейинчалик Европага ўтиб, «киоск» кўринишига келди ва биз ҳозирда билган киоскалар аслида кўшклардир. Буни ўқувчиларимиз билиб қўйишлари керакми, йўқми?! Бир ўқитувчи — устозга шу сўзларни айтганимизда, у киши: «Сизлар ёзиб беринглар, биз уларни ўқувчиларимизга ўқиб берайлик. Шунда уларни ишонтира оламиз», деган эди. Демак, қарс икки қўлдан. Гап бола тарбияси, унинг камолоти, комил инсон сифатида шаклланиши ҳақида борар экан, мен бу ўринда ўша устознинг сўзларини маъқул, деб биламан.

Бу ўринда Амир Темур давридаги аксарият боғларнинг ижодкори Шаҳобиддин Аҳмад Зардакаший ва Султон Маҳмудлар эканини ҳам тилга олиб ўтиш жоиз.

Соҳибқирон бобомиз китобни жуда қадрлар эди. Ўзлари «тузуклар», яъни қонунлар мажмуасини битиб, мамлакатни адолатли бошқаришга ҳаракат қилди. Бу китобнинг кейинчалик «Темур тузуклари» номи билан дунёга машҳур бўлгани бугун ҳеч биримиз учун янгилик эмас. 2006-2011 йилларда Юртбошимизнинг ташаббуси билан «Темур тузуклари»нинг янги нашри «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан нашрдан чиқарилди. Устозимиз Муҳаммад Али, профессор Ашраф Аҳмедовлар билан ана шу китобнинг нашр этилишида муҳаррир сифатида иштирок этганимдан беҳад мамнунман. Олти йил давомида бундай тарихий асарни нашр этиш, унинг ҳар бир сўзи устида ишлашнинг нақадар мураккаб ва қийинлигини ана шунда кўрдим. Бу нодир асар ҳар бир раҳбарнинг столи устида туриши керак, дея беҳудага айтилмайди. У одамларни адолатли бошқаришда жуда қўл келади.

Амир Темур ва унинг авлодлари даврида «Китоблар уйлари» («Дор ул-кутуб») мавжуд бўлиб, улар йилма-йил ноёб асарлар билан тўлдириб борилган. Афсуски, XVIII-XIX асрлардаги босқинлар, мустамлакачилик оқибатида бу китоблар жаҳоннинг турли бурчакларига олиб кетилди. Ҳозирда ота-боболаримизнинг, айниқса, темурийлар даврининг ноёб дурдона қўлёзмалари дунёнинг энг машҳур музейларини безаб турибди.

Амир Темур даврида кулолчилик санъати жуда катта тезликда ривожланиб, тараққий этди. Ҳар хил коса, катта-кичик лаганлар, тоғора, чироқлар ишлаб чиқарилиб, халқнинг эҳтиёжи қондирилди. Рўзғорларда олтин ва кумуш билан зийнатланган қимматбаҳо идишлардан фойдаланиш урфга кирди. Тўқувчилик ҳам юксак даражага кўтарилди. Ҳар хил дастгоҳларда бир неча турдаги сифатли матоларнинг ишлаб чиқарилгани бу фикримизни исбот этади.

Ўша пайтларда қирмизи бўёқ жуда катта эътиборда бўлган. Бўёқ таркибига иссиқ сув, сирка кислотаси ҳамда қанотсиз қирмизи ҳашаротдан олинган маҳсулот қўшилган. 175 та қирмизи ҳашаротдан атиги бир грамм бўёқ олинганини назарда тутсак, бу ишнинг ўта мураккаблигини янада теранроқ ҳис этамиз ва бундай ҳашаротлар етиштирадиган махсус лабораториялар ҳам мавжуд бўлмаганмикин, деган тахминга боришимиз тайин.

Амир Темур саройига келган элчиларга, меҳмонларга кимхоб тўнлар кийдирилган. Ҳозирги тўйларда қудаларга чопон кийдириш маросими, демак, ўша анъаналарнинг давом этаётганини кўрсатади. Катан ва бўз матолари аҳоли орасида машҳур бўлгани ҳақида ҳам кўп айтилади. Самарқанд ҳамда бошқа бозорларда фўта деб аталувчи енгил юпқа матонинг харидоргир бўлгани ҳақида ҳам маълумотлар бор. Унинг пахтадан, жундан тайёрланган турлари кўп эди. Салла, аёллар рўмоли ва белбоғлар фўта деб аталарди. Фўтадан ҳаммомларда турли сочиқлар тайёрланганини ҳам биламиз.

Самарқандлик фўта тўқувчи усталар — Устод Шоҳмуҳаммад фўтабоф ҳамда Устод Суҳбилар номи тарих зарварақларида бизгача етиб келган. Бу икки устод Мир Муҳаммад ва Субхонқули деган ўсмирларни шогирдликка олган. Мазкур маълумотлар бизга Амир Темур замонида устозшогирдлик анъанасига қатъий амал қилинганидан, аждодларимизнинг ёшлар тарбиясига нечоғлик эътибор қаратганидан гувоҳлик беради.

Пахта толасидан тўқилган олача газламага аҳолининг талаби катта эди. Бу нарса юртимизда пахта етиштиришга ҳам эътибор билан қаралганини кўрсатади.

Мен дунёга машҳур Самарқанд қоғозлари ҳақидаги фикрларга алоҳида диққат қаратишингизни сўрайман. Қоғоз ишлаб чиқаришда биринчи галда аҳоли соғлиғи эътиборга олинган, чунончи бўёқлар табиий маҳсулотлардан тайёрланганини айтиб ўтдик, иккинчи томони, «нўхотранг қоғоз» ишлаб чиқишга жиддий эътибор берилган. «Мажмуайи васоиқ» ҳужжатлар тўпламида бу тўғрида аниқ ёзилган. Султон Али Машҳадийнинг маълумотларига кўра, қоғоз оппоқ ҳолда тайёрланган, лекин кўзни асраш учун унга сариқ ранг берилгани айтилади, яъни оқ қоғоз ишлаб чиқариладиган маҳсулотга заъфарон, хина ва бир неча томчи сиёҳ қўшилган. Инсон ва унинг ҳаётига ота-боболаримизнинг жиддий ёндашгани бугунги ишбилармонларга ҳам сабоқ бўлиши лозим, негаки, ошпаз ҳаром луқма тайёрласа, тадбиркор сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарса, бошқаларни кўя туринг, ўзи охир-оқибат таназзулга учрамайди, деб ким кафолат беради?!

Амир Темур тарозидан урганларни, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарганларни инсон зотига қилинган хиёнат сифатида баҳолаган ва уларни қаттиқ жазолашни тайинлаган. Нега Самарқанд нонлари ўта тўйимли ва бўлиқ қилиб тайёрланади?! Нон инсон учун ниҳоятда тансиқ таом. Ҳеч қачон меъдага тегмайди. Ундан бир бурда истеъмол қилган киши дунёнинг роҳатини туйиши лозим. Масаланинг ана шу жиҳати доимо назарда тутилган.

Гилам ишлаб чиқариш, уларни турли нақшлар ва ранглар билан безаш ишлари ҳам юксак санъат даражасига кўтарилган. Наврўз ва бошқа байрамларда, ҳукмдор ва турли нуфузли амалдорларни кутиб олиш пайтида аҳоли ўз деворларини турли рангдаги гиламлар, газламалар билан безаб қўйган. Новвойлар терак бўйи келадиган кўргазмалар ясашган, бозорларда кўзбойловчилар, дорбозлар, полвонлар, қўғирчоқбозлар ўз санъатларини намойиш этиб, халқнинг кайфиятини кўтаришга, ҳаётларига мазмун киритишга ҳаракат қилганлар. Булар тўғрисида Шарафиддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳ, Руи Гонсалес Клавихо ва бошқа муаллифларнинг асарларида қизиқарли маълумотлар берилган. Эски шўро даврида бизларга ўтмишимиз фақат оғир мусиқа куйларида тасвирланар, бу нарса кўпчиликда ота-боболаримизнинг ғам-ташвиш тошлари остида эзилгандек таассурот қолдирар эди. Шу боис, бугунги ёшлар фикрлай билсин, ҳар нарсага ўз ақли билан ёндашсин, деган қарашларни очиқ қаршилаяпмиз.

Мен ўқувчиларимизга яна бир қизиқарли маълумотни эслатиб ўтмоқчиман. Маълумки, бугун тарих зарварақларида номлари учрайдиган машҳур кишилар ўз қўл меҳнатлари билан ҳалол ризқ-рўз топиб яшаганлар. Масалан, ўша давр шоирларининг касб-корларига эътибор берайлик. Самарқандлик шоирлардан мавлоно Ҳавофий — тикувчи, мавлоно Кобулий — калава сотувчи, мавлоно Камардўз — тасма тикувчи, Биссотий Самарқандий эса бўйра тўқувчи ҳунармандлар бўлишган.

Бугунги ўқувчиларга тарихимизнинг асл қиёфасини аниқ чизиб кўрсатишга ҳаракат қиляпмиз. Ҳалигача айрим зиёлилар ҳам мадрасаларда фақат диний илмлар ўргатилган, деб ўйлашади. Тарихга мурожаат қилайлик: Улуғбек Мирзо Самарқандда, Бухорода, Ғиждувонда, Чағониёнда, ҳозирги Денов шаҳрида мадрасалар бунёд этган эди. Самарқандда талабаларга сабоқ бергани тарихдан маълум. Хўш, мадрасаларда — ўша даврнинг академияларида, олий ўқув юртларида риёзиёт (математика), ҳандаса (геометрия), илми ҳайъат (астрономия), тиббиёт, тарих, география, илми аруз (поэтика), араб тили илоҳиёт илмлари билан бир қаторда ўқитилмаганда, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи, Ғиёсиддин Жамшид Кошийлар қаердан етишиб чиқарди?! Ёки Самарқандда Улуғбек Расадхонаси қурилармиди?! Унда ишлатилган астрономик асбоблар ҳозиргача олимларни ҳайратга солмоқдаки, Мирзо Улуғбек қандай қилиб 1018 та юлдузнинг жойлашувини аниқ исботлаб берган ва «Зижи Кўрагоний»ни ёзиб қолдирган. Мана, мантиқ қаерда!

Бугун жонажон Ўзбекистон илм-фанда, иқтисодда, сиёсатда, бунёдкорликда, маънавий соҳада ҳам етакчилик қилмоқда. Ғарбга энди навоийлар керак бўляпти. Хуллас, бизга ҳавас қиладиганлар кўп. Амир Темурнинг ўз пайтида дунёнинг гўзал обидаларидан бўлмиш Шаҳрисабздаги машҳур Оқсарой кошинкор ва парчинкор пештоқининг гулдор нақшлари орасига битилган: «Агар бизнинг куч-қудратимизга шубҳангиз бўлса, қурган иморатларимизга боқинг», деган сўзларини такрор-такрор тилга оламиз. Худди шу маънода суюкли юртимизга ўзгаларнинг шубҳаси бўлса, уйимизга келиб, бир кун меҳмон бўлсинлар. Қурилаётган иморатларимизни, замонавий мактабларимизни, эл-юртимиз ишонган ўғил-қизларини кўрсинлар. Кўз ўнгимизда юртининг, дунёнинг эртасини, ободлигини ўйлайдиган доно фикрли янги авлод шакллана-ётганидан ўзимиз ҳам шод ва мамнунмиз. Яна йилимизга эътибор берсинлар: Обод турмуш йилида зафарларимиз бундан-да кўпроқ бўлишига чин дилдан ишонамиз.

Тўлқин ҲАЙИТ,
халқаро Амир Темур жамғармаси раиси ўринбосари

Долзарб мавзу

ЙОД ТАНҚИСЛИГИ

кўплашсак, ундан халос бўлишга қудратимиз етади

Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти эътироф этганидек, «Йод етишмаслигининг йўқ қилиниши худди чечак ёки полиомиелитнинг йўқотилиши каби соғлиқни сақлашнинг катта ғалабаси бўлади». Республика ихтисослашган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор, моҳир жарроҳ Сайдиғани ИСМОИЛОВ билан суҳбатимиз ҳам айнан йод танқислиги касалликларининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида бўлди.

— Сайдиғани Исмоилович, сизни илм аҳли республикамизда биринчи эндокрин жарроҳлик мактаби ташкилотчиларидан бири сифатида билади. Эндокрин безларни криоконсервация ва трансплантация қилиш бўйича олиб борилаётган илмий ишлар, операция жараёнида экспресс таҳлил ўтказиш учун гистоморфология хонасининг ташкил этилиши, бу усул эса қалқонсимон без саратонининг олдини олишда жуда қулайлиги таҳсинга сазовордир.

— Дарҳақиқат, Президентимизнинг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича Давлат Дастурини амалга оширишга доир асосий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармойиши ва «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятининг ташкиллаштирилишини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ ташкил этилган Марказимиз зиммасида бири-биридан масъулиятли вазифалар турибди. Ўзбекистондаги эндокринология йўналиши бўйича ягона замонавий даволаш диагностикаси, илмий тадқиқот ва педагогик муассаса мақомини олган Марказ олдига қўйилган муҳим вазифаларидан бири йод танқислиги ҳолатларини бартараф этиш, шунингдек, дунё аҳолисини ташвишга солиб келаётган қанд касаллигини даволаш ва унга ташхис қўйишнинг замонавий йўлларини излаб топиш, қалқонсимон без саратонининг турли кўринишларига оид ўзгаришларни — паталогиясини аниқлаш ва даволаш бўйича амалий чоралар қўллаш ҳисобланади. Бундан ташқари, буйрак усти безлари касаллиги, нейроэндокрин касаллигининг халқаро меъёрларини, гипофизнинг турли хил аденомаларини қисқа вақт ичида даволаш бўйича юқори технологик усулларни жорий этиш, тиреоидология, эндокрин жарроҳлиги, диабетология, нейроэндокринология, нейрохирургия, репродуктив эндокринология ва бошқа соҳалар бўйича фаолият кўрсатади. Фаолиятимизнинг яна бир муҳим йўналиши — иммуногенетик болалар эндокринологияси бўлиб, бу борада ҳам кичкинтойлар зарур тиббий ёрдамни олмоқдалар.

Марказ клиник ходимларининг етмиш етти фоизи олий тоифали шифокорлар бўлиб, истиқлол йилларида эндокринология маркази ихтисослаштирилган кенгашида 21 та доктор, 101 та номзодлик иши ҳимоя қилинди. Ушбу соҳага оид долзарб муаммолар бўйича мунтазам равишда илмий тадқиқотлар ўтказилиб, уларнинг самараси ўлароқ соҳа бўйича 8 та монография, 116 та услубий ва амалий тавсиялар, 1201 та илмий мақолалар чоп этилди. Шунингдек, олиб борилган илмий тадқиқотларни амалда жорий этиш юзасидан 29 та патент олинди.

2007 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Йод етишмаслиги касаллиги профилактикаси тўғрисида»ги қонуни қабул қилиниб, натижада республикамизда эндемик бўқоқнинг тарқалиши 2,5 маротабага камайди. Марказдаги бошқа йўналишлар бўйича ҳам қатор муваффақиятларга эришилди. Мустақиллик шарофати билан дунёнинг етакчи клиникалари, жумладан, Буюк Британия, Франция, Германия, Австрия, Греция, Австралия, Япония ва бошқа давлатлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган бўлиб, ҳар йили нейроэндокринология бўйича Англиянинг етакчи олимлари, нейрожарроҳ Эшли Гросман, профессор Майкл Пауэллар марказимизга келиб, ўқув машғулотлари ўтказади. Беморларга тавсиялар бериб, ўз соҳалари бўйича маърузалар ўқишади.

— Умуман олганда, йод танқислиги, йод етишмовчилиги нима ва у қандай оқибатларга олиб келади?

— Йод микроэлементи қалқонсимон безнинг меъёрида ишлаши учун муҳим микроунсур ҳисобланади. Ушбу унсур таъсирида организмнинг меъёрида ўсиши ва ривожланиши учун зарур бўлган қалқонсимон без гормонлари ишлаб чиқарилади. Айнан ана шу гормонлар инсоннинг интеллектуал қобилияти пойдеворидир.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, айни пайтда ер юзида 2 миллиардга яқин киши йод танқис ҳудудларда истиқомат қилади. Шундан 700 миллионга яқини эндемик бўқоқ ва руҳий ўзгаришлардан азоб чекмоқда, 50 миллион киши эса айнан йод етишмаслиги сабабли ақлан заиф бўлиб қолган. Ер куррасидаги мактаб ёшига етган 285 миллион бола организмига йод керакли миқдорда тушмайди.

Шарқнинг буюк алломалари, жумладан, улуғ аллома Абу Али ибн Сино ҳам бўқоқ касаллиги ва унинг давоси ҳақида муҳим ёзма манбалар қолдирган. Биласизми, нима учун халқимиз қадимдан ҳомиладор аёлга ўзи емай едирган? Чунки ҳомиладор аёлда йод етишмаслиги хасталиги бўлса-ю, устига устак таркибида йод микроунсури етарли миқдорда бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилмаса, йод танқислиги шароитида ҳомиладорликнинг қалқонсимон без касалликлари билан кечиши токсикоз, ҳомила тушиши хавфи, гестозлар, артериал гипертензия (қон босимининг ошиши), ҳомила гипоксияси (кислород етишмаслиги), ҳомиланинг ўлик туғилиши, йўлдошнинг жойидан кўчиши ва вақтидан илгари кўз ёриши каби асоратларга олиб келиши мумкин. Туғруқ эса тўлғоқнинг сустлиги, чилланинг эрта ва кечки даврида қон кетиши билан асоратланади. Бундай оналардан туғилган болада ўтиб кетувчи ва туғма гипотериоз учрайдики, натижада бола ақлий ва жисмоний ривожланишда тенгдошларидан орқада қолиши мумкин. Йоднинг ёш болалар заковатига таъсири хусусида улуғ олимларимиз аллақачон ўз илмий манбаларида айтиб ўтганлар. Организми етарли миқдорда йод микроэлементига тўйинган боланинг тили тез чиқади, соғлом, зийрак, бўлаётган ҳодисаларни тез илғайди, хотираси ўткир бўлади.

— Шу ўринда кретинизмни изоҳлаб ўтсангиз.

— Дунёнинг баъзи ўлкаларида (асосан денгиз бўйларида) йод кўп бўлса, қуруқликнинг 70-80 фоизида йод танқислиги мавжуд. Инсон организми сувсиз яшай олмаганидек, йод моддасисиз ҳам тўлақонли фаолият олиб боролмайди. Қалқонсимон без ҳомиланинг 4-5-ҳафтасидан ривожлана бориб, 6-8-ҳафтасида шаклланишига таъсир эта бошлайди. Йод етишмовчилигида эса қалқонсимон без ёмон ишлайди, боланинг келажакда руҳий, жисмоний, ақлий ривожланишига тўсқинлик қилади.

Кретинизм — йоднинг жуда оғир даражадаги сурункали етишмовчилиги билан боғлиқ бўлган туғма касаллик бўлиб, у паканалик, ғилайлик, карлик каби жисмоний нуқсонларни вужудга келтиради. Йод танамизга асосан озиқ-овқат маҳсулотлари орқали қабул қилинади. Лекин бизнинг тупроқ ва сувимизда, унда етиштирилаётган мева-сабзавот, дон ва гўшт маҳсулотларида йод миқдори жуда кам бўлиб, инсоннинг кундалик эҳтиёжини қондира олмайди. Йод танқислиги қайси ёшда кузатилган бўлса, ўша ёшдаги ўсиш ва ривожланиш жараёнига ўз таъсирини кўрсатади. Шунинг учун одамнинг ёши қанча кичик бўлса, йод танқислиги шунчалик катта хавф солади. Ер, ҳаво ва сув йод микроэлементининг асосий манбаи ҳисобланади.

Йод етишмаса соч тўкилади, қуруқ ва синувчан бўлади. Тери қуруқлашади, инсон қувватсизланади, салга толиқади, қабзият, уйқуга сурункали мойиллик, тез тушкунликка тушиш, жаҳлдорлик, хотиранинг пасайиши гипотериозга хос белгилардир. Қалқонсимон без касалликлари биринчи босқичида у катталашади ва бўқоққа олиб келади. Ушбу без фаолиятининг кучайиб кетиши гипертериозга, пасайиши гипотериозга, яллиғланиши тиреоидитга ва унда хавфли ёки хавфсиз сифатли ўсма пайдо бўлиши хатарини келтириб чиқаради.

Йод моддасининг бир кеча-кундузлик миқдори ёшга, бажариладиган жисмоний меҳнатнинг меъёрига, атроф-муҳитга боғлиқ. Йоднинг бир кеча-кундузлик миқдори 12 ёшгача бўлган болалар учун 50-100 мкг, ўсмирлар ва катталар учун 100-200 мкг, ҳомиладорлик ва эмизикли даврда 200 мкг ҳисобланади. Гўдаклар, ўсмирлар ва ҳомиладор аёллар, эмизикли оналарда йодга бўлган кундалик эҳтиёж табиий равишда ошиб борадики, биз бундай ҳолатда кундалик истеъмолимиз — таомномамиздан йод моддасига бой маҳсулотлар: кашнич, шивит, исмалоқ каби кўкатларни, бақлажон, картошка, қулупнай, бодринг, яшил булғор қалампири, томат, ловия каби маҳсулотларни, селд балиғи, чўртанбалиқ, хурмо, ёнғоқ, қатиқ зардоби, эчки сути, махсус йодланган нон ва денгиз карамини узмаслигимиз керак.

Шифокор тавсиясига кўра, йод препаратларидан йодомарин —100, 200, йодид — 200 (никомед), калий йодид — 200, витаминлардан истеъмол қилиш мумкин. Микроэлементлар таркибида йод тутувчи комплекс препаратлар матерн, мультитабс, уентрум, витрумларни бир таблеткадан овқатдан кейин ичиш керак бўлади. Йод етишмовчилиги, айниқса, қиш-баҳор мавсумида сезилади. Статистик маълумотларга кўра, республикамизда қалқонсимон без хасталиклари катта ёшдаги 100 минг аҳолига нисбатан ҳисобланганда 2847 беморни ташкил этади.

— Йод етишмовчилик ҳолатларини бартараф этиш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— 1998 йилдан ушбу соҳада кенг кўламли эпидемиологик ишлар бошланди. Институтимиз ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг йод етишмовчилиги харитаси тузилган бўлиб, ушбу хасталикларни бартараф қилиш юзасидан Давлат дастури ишлаб чиқилган. Натижада ушбу касаллик кўрсаткичи 80 фоиздан 56-60 фоизгача тушди. Юқорида таъкидлаб ўтганимдек, «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши бу борадаги муносабатларни тартибга солиш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, истеъмол бозорини йодланган туз ва озиқ-овқат билан тўлдиришга қаратилган иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ҳамда хавфсизлиги, уларни сақлаш шароитлари устидан давлат назоратини амалга ошириш, ушбу соҳадаги илмий тадқиқотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, болаларни ва туғиш ёшидаги аёлларни таркибида йод бўлган препаратлар билан профилактик таъминлаш тадбирларини амалга ошириш ва қонунда белгиланган бошқа муҳим жиҳатлар давлат сиёсатининг ўзагини ташкил этади.

— Қонуннинг 3-моддасида «йодланган туз – ишлаб чиқариш жараёнида йод билан бойитилган ош тузи» сифатида белгиланган. Албатта, ош тузи жамиятнинг барча қатламлари доимий равишда истеъмол қиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари сирасига киради. Ош тузига қўшилган йод каби микронутриент йил давомида аҳоли томонидан бир хил миқдорда қабул қилинади. Иккинчидан, бошқа озиқ-овқат маҳсулотларидан фарқли равишда ош тузини ишлаб чиқариш марказлаштирилган, яъни, ош тузини йодлаш(калий йодид ёки йодат калий ёрдамида) хавфсиз ва оддий усул ҳисобланади. 2006 йилда ўтказилган мульти индикаторли кластер тадқиқот натижаларига кўра 54 фоизга яқин хонадонларда йодланган туз ишлатилишини кўрсатди. Бугунги кунга келиб ушбу кўрсаткич қандай?

— Республика бўйлаб ишлаб чиқариладиган тузнинг 60 фоизи йодланишига эришилган бўлиб, ош тузининг йодланганлик даражаси уч босқичда – ишлаб чиқариш, савдо ва истеъмол босқичларида йилнинг ҳар чорагида текшириш давом эттирилмоқда. Шу ўринда бир жиҳатни таъкидлаб ўтишни хоҳлардим. ЮНИСЕФ ва Осиё Тараққиёт Банки кўмагида(ОТБ) Ҳукуматга техникавий ёрдам кўрсатиш йўли билан тузни универсал йодлаш бўйича адвокация компанияси ўн йилдан зиёдроқ илгари иш бошлаган. ЮНИСЕФ ОТБ билан ҳамкорликда тузни йодлаш учун ускуналар етказиб берди ва муттасил равишда йодат калий етказиб беришнинг миллий механизмига асос солди. Экспертлар аҳоли истеъмоли учун туз стандартларини ишлаб чиқдилар. Асосий туз ишлаб чиқарувчи корхоналар лабораториялар билан жиҳозланди. Жараён сифатини мониторинг қилиш ўргатилди. Тузни универсал йодлаш бўйича адвокация компанияси йил давомида ЮНИСЕФ, Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликлари биргаликда ўн мингга яқин мактабларда олти миллиондан ортиқ болалар иштирокида махсус дарслар ўтказишди. Бундан ташқари, туз ишлаб чиқарувчиларни эксклюзив йодланган туз ишлаб чиқаришга жалб этиш учун Туз ишлаб чиқарувчиларнинг миллий ассоциацияси ташкил этилди. Бироқ мавжуд муаммолардан бири, республика аҳолиси истеъмоли учун чиқарилаётган ош тузини юз фоиз йодлаш масаласидир. «Ўзмедэкспорт» корхонасининг импорт имкониятлари кенгайишини вақтнинг ўзи тақозо қиляпти.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурида халқимизнинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини янада оширишга катта эътибор қаратилган бўлиб, озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, йод танқислиги касалликларининг олдини олишга ёрдам берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш кенгаяди. Масалан, 2013 йилда Қорақалпоғистон Республикасидаги «Қўнғирот натрий сулфат» шўъба корхонасида йодланган ош тузи ва мамлакатимиз саноати учун зарур натрий сулфат ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

— Сиз айни пайтда Халқаро эндокрин жарроҳлар ассоциациясининг ва Халқаро жарроҳлар жамиятининг аъзосисиз. Эндокринологиянинг долзарб муаммоларига бағишланган маърузаларингиз кўплаб мамлакатларда эътироф этилган. Айтинг-чи, йод етишмовчилигини буткул бартараф қилишда яна қандай омиллар инсон ҳаётида муҳим аҳамият касб этади ёки республика миқёсида яна қандай ишларни амалга оширишимиз керак?

— Бир пайтлар Швейцария мамлакати йод танқислиги бўйича энг ноқулай ҳудудлардан бири деб ҳисобланарди. Ҳатто император Наполеон ҳам ўз армияси билан шу мамлакатдан ўтиб кетаётганида эътиборни, биринчи навбатда, пакана ва ақлий жиҳатдан орқада қолган одамларнинг кўплигига қаратган экан. Бугунги кундаги халқ эҳтимол йод танқислиги билан боғлиқ ўтмишини ёддан чиқариб юборган бўлса ажаб эмас. Мана, қарийб бир неча ўн йиллар давомида кондитер, гўшт маҳсулотлари, ҳайвонлар учун озиқ-овқатларга қўшиладиган тузлар махсус стандартлар бўйича йодга бойитилиб ишлаб чиқарилмоқда. Йодга бўлган эҳтиёжнинг зарурий миқдорини аҳолининг ҳаммаси олиб бўлган. Шу сабабли ушбу мамлакатда дармондорили, минералли комплексларга йод қўшиб чиқаришга ҳожат қолмаган.

Сўнгги ўн икки йил мобайнида марказимиз томонидан қуйидаги тадбирлар доимий амалга оширилиб келинмоқдаки, ўтказилган мониторинглар ва аҳоли орасида олиб борилган сўров натижаларига кўра, етмиш фоиз аҳоли йод етишмовчилиги билан боғлиқ маълумотларга эга. Ош тузини арзон нархда қоплаб сотиб олувчилар 30 фоизни ташкил қилади, 8 фоиз респондентларнинг фикрига кўра, йод етишмовчилиги болаларда ақлий етишмовчиликка сабаб бўлиши мумкин. Бу ҳолат ҳали аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш борасида катта ишлар қилишимиз лозимлигини кўрсатади. Сифатсиз ош тузи сотилиши ҳам жиддий муаммоларимиздан бири бўлиб, мувофиқлик ёки гигиеник сертификатларнинг йўқлиги, чала йодланган, йодланмаган, яроқлилик муддати ўтган, ишлаб чиқарувчи ва маҳсулот ҳақида маълумот йўқлиги, ош тузи ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг Йодат калийсини сотиб олишдаги таъминланиш даражасидаги номувофиқлик — у албатта мавжуд қонун ижросини таъминлаш юзасидан бундан буён ҳам жиддий иш олиб бориш зарурлигини кўрсатиб турибди.

Яна алоҳида таъкидлагим келади, аҳолини йод етишмаслиги ҳолатларидан ҳимоя қилишда асосий куч йодланган ош тузи ишлаб чиқарувчилардир. Ишлаб чиқарувчиларнинг сифатли йодланган ош тузини ишлаб чиқаришлари — бу фақатгина қонун олдида эмас, балки жамият саломатлиги олдидаги муқаддас бурч ҳамдир. Бу масалани ҳал қилишда соғлиқни сақлаш ходимлари, ишлаб чиқарувчилар, халқаро ташкилотлар, нодавлат ташкилотлар ҳамжиҳатликда курашишлари лозим. Аминманки, йод танқислиги билан боғлиқ муаммоларни босқичма-босқич батамом бартараф этиш қудратига эгамиз. Бунинг учун мамлакатимизда қонуний, иқтисодий ва амалий имкониятлар пойдевори аллақачон яратилган.

Суҳбатдош:
Шарифа САЛИМОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Мулоҳаза

МАҚСАД — КОМИЛ ИНСОННИ ТАРБИЯЛАШ

Юртимизда касб-ҳунар таълими тизимида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Чунончи, тизимда умумтаълим фанлари билан бирга мутахассислик таълимида самарадорликка эришиш, бунинг учун ўқитиш мазмунини янгилаш, замонавий усулларни такомиллаштириш зарурияти юзага келди. Айниқса, педагогик кадрлар тайёрлаш, уларни замон талабларига мос равишда шакллантириш долзарб масала саналади.

Хўш, касб-ҳунар коллежларида ўқитиш жараёнида ечимини кутаётган қандай муаммолар мавжуд? Замонавий таълим мутахассиси нималарга эътибор қаратиши керак? Таълим натижалари битирувчилар келажаги, моддий ва маънавий ҳаётида қай даражада аҳамиятга молик?

Касб-ҳунар таълими муассасаларидаги дарс жараёнларида педагоглар авваламбор ўқувчининг «Мен келажакда ким бўламан?», «Ўз касбим бўйича нималарни амалга оширишим мумкин?» деган саволларига жавоб топа билишлари зарур. Бунинг учун ҳар бир ўқув предмети билан амалиётни чамбарчас боғлаган ҳолда ўқувчиларнинг қизиқиши, ақлий фаолиятини касбий маҳоратга усталик билан йўналтира олиш талаб этилади. Масалан, физика, кимё каби умумтаълим фанларини ўқитишда физик-кимёвий қонунларни ўқувчи танлаган касбнинг муайян жараёни мисолида тушунтириб бериш мақсадга мувофиқдир.

Ўқитувчилар ёшларнинг компютер технологияларига қизиқишидан фойдаланган ҳолда, дарс жараёнини компютер воситасида ташкил этиш, касбий таълимнинг сўнгги ютуқ ва янгиликларидан унумли фойдаланиб, дарс сифатини оширишлари мумкин.

Тизимдаги педагогик кадрларнинг илмий салоҳиятини ошириш таълим олувчиларнинг дунёқараши, уларнинг маънавий тарбияси билан ҳам узвий боғлиқдир. Шуни ёдда тутиш керакки, юқори сифатли таълимга эришсакда, оилавий муҳитда таълим олувчига халақит берувчи ҳолатлар бўлса, кўзланган мақсадга эришолмаймиз.

Сўнгги йилларда касб-ҳунар таълими муассасалари ва ота-оналар ҳамкорлиги борасида тез-тез муаммоли саволларга дуч келмоқдамиз. Жумладан, суҳбат чоғида баъзи ота-оналар «Фарзандимни шу ҳунар бўйича шогирдликка бермоқчи эдим. Устаси уни уч ойда тайёр ишчи қилиб бераман, деб ваъда бераяпти», деган шубҳали фикрларни билдириб қолишади.

Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқитишнинг бош мезони комил инсон тарбияси ҳисобланади. Зеро, биз мавжуд уч йиллик таълим жараёнида ўқувчилар ҳам муайян касбни эгаллашлари, ҳам маънавий-маърифий жиҳатдан кенг дунёқарашга эга бўлишлари учун масъулмиз. Бу борада касб-ҳунар таълимининг қуйидаги афзалликлари бор:

- оддий ўқув курслари ўрганувчига фақат шу ҳунар борасидаги кўникмаларни беради. Касб-ҳунар таълими муассасаларида эса ўқувчига касбий малакани шакллантириш баробарида унинг дунёвий, ижтимоий-сиёсий онг тарбиясига ҳам эътибор қаратилади;
- касб-ҳунар таълимида касбий кўникмадан ташқари, билим малакалари ўзаро соғлом рақобат асосида шакллантирилади. Бунда жамоавий тарбия воситасида ўқувчининг ижтимоий-маданий, маънавий онги шаклланади, тарбияланади;
- касб-ҳунар таълими ўқувчи ҳунар эгаси — оддий иш бажарувчидан малакавий билим, замонавий дунёқарашга эга эканлиги, ўз касбига ижодий ёндаша олиши билан кескин фарқланади.

Лолахон ДЎСМАТОВА,
Қўқон енгил саноат касб-ҳунар коллежи ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари

ҲАВАС БИЛАН ЯШАЙЛИК

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Қизиқ томони шундаки, авваллари ўқувчиларимиз фақат рус ва ўзбек тилларида илмий иш қилишарди. Ҳозирда инглиз тилида ҳам ёқлашмоқда. Ишларнинг ҳимоясига мавзудан келиб чиқиб етакчи олимлар, академиклар таклиф этилади. Масалан, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Шарқшунослик, Фармацевтика институтлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бу рўйхатга Ўзбекистон тарихи давлат музейини ҳам киритиш мумкин. Гап шундаки, раҳбарият билан келишилган ҳолда (тарих мавзусидаги) илмий иш қилаётган болаларга музейга кириш ҳамда у ердаги маълумотлар ва архивдан фойдаланиш имтиёзи яратилган.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланганларга мурувват кўрсатиш ўзбек халқига хос фазилатлардан. Ҳар йили улар учун иссиқ овқат, кийим-кечак, бепул дарсликлардан фойдаланиш имтиёзи яратилади. Қўшимча равишда байрамларда мактаб васийлик кенгаши томонидан қимматбаҳо совға ва моддий ёрдамлар билан рағбатлантирилади. Бундан ташқари, «Меҳрибонлик уйи»да тарбияланаётган болалар ҳолидан хабар олиб турамиз. Яқинда мактабимиз номидан пойтахтимиздаги 30-, 105- «Меҳрибонлик уйи»га ўқув қуроллари, турли ширинлик, кийим кечаклар совға қилинди.

Ўтган йили ёзги соғломлаштириш мавсумида бир гуруҳ ўқитувчига даволаниш муассасаларига йўлланмалар ҳамда уларнинг фарзандларига сузиш ҳавзаларига чипталар тарқатилганини таъкидлаш жоиз.

Маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиш касаба уюшмаси фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Турли байрам тадбирлари жамоа орасида уюшқоқлик билан қарши олинмоқда. Бундан ташқари, театр томошалари ва байрамларга чипталар берилаяпти.

Ёш ўқитувчилар тажрибали устозларга бириктирилган. Кўп йиллик меҳнат стажига эга бўлган, ўз ишини сидқидилдан бажараётган ўқитувчиларнинг намунали ишлари оммалаштирилмоқда.

Нарзулла МАҲАМОВ,
«Ishonch» мухбири

Омон бўлинг,
МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2013-yil 2-aprel № 40-41 (3234)

Анжуман

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида чет тилларни ўрганишга жиддий эътибор қартилган. Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрда эълон қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонидан кейин масалага муносабат тағин ҳам долзарб кўриниш олди. Филология факултетининг инглиз, немис тили бўлимларида «Бадиий ўқиш», бошқа факультетларда эса талабалар учун «Келинг, инглизча гаплашамиз», «Биз немисча сўзлашамиз» каби тўгараклар очилди. Уч ойлик махсус курслар ташкил этилиб, барча профессор-ўқитувчиларнинг бирорта тилни пухта билмоғи шарт қилиб қўйилди.

ТИЛ БИЛГАН — ЭЛ БИЛАДИ

Қарорда таъкидланганидек, чет тилларни замон талаби даражасида ўқитиш ва ўргатиш мутахассис ўқитувчиларнинг билим ва кўникмаларини оширишни тақозо қилади. Яқинда институтда бўлиб ўтган «Таълим тизимида чет тилларни ўргатишнинг долзарб масалалари» мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани ана шу мантиқий зарурат юзасидан ташкиллаштирилди.

Икки кун давом этган тадбир мактаб ва мактабгача таълим, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий ўқув муассасаларида чет тилларни ўргатишнинг илмий-методик масалаларига бағишланди.

— Анжумандан катта қониқиш ҳосил қилдим, — дейди институт қошидаги 1-академик лицейнинг инглиз тили ўқитувчиси Ҳусан Собиров. — Маърузаларда ўқув жараёнининг энг муҳим жиҳатлари объект сифатида танланган. Бу каби тадбирлар тез-тез уюштирилиб турилса, фойдадан ҳоли бўлмайди.

Анжуман материаллари китоб ҳолида чоп этилиб, қатнашчиларга тарқатилди.

Файзулла САЛАЕВ,
«Ishonch» мухбири

Қадрият

4-4,5 минг йиллик тарихга эга бўлган Наврўз не-не таъқибу таҳқирларга учрамади. Лекин авлодлар қалбидан мустаҳкам ўрин ола билгани боис ҳар қандай вазиятда ҳам гоҳ рўй-рост, гоҳ пинҳон нишонланаверди. Авлоддан-авлодга ўтган сайин бойиб, такомиллаша борди. Шу тариқа яшовчан, аждодлар қувончу шодлигига шерик, боқий байрамга айланди. Истиқлол туфайли Наврўз қадрият сифатида эълон қилинди. Унинг ЮНЕСКО томонидан номоддий қадрият тарзида рўйхатга олингани ҳам бежиз эмас.

МУЧАЛ — НАВРЎЗ ЗИЙНАТИ

Қадим замонлардан бери кеча ва кундузнинг баҳорий тенглиги шарафига уюштирилган бу байрамни катталар ҳам, болалар ҳам алоҳида эҳтиром билан нишонлашга одатланганлар. Умар Хайём «Наврўзнома»сида: «Кимки Наврўз куни байрам қилса ва қувонса, янаги Наврўзгача ана шундай яйраб яшайди», деб ёзади. Ушбу ақидага амал қилиб, турлича удум ва анъаналар яратилган.

Шундай удумлардан бири — мучал бўлиб, Наврўз кунларида нишонлангани боис наврўзий анъаналар зийнатига айланган. Бухорода бу удум «мулжар» ёки «мулжалдараён» дейилиб, алоҳида маросим сифатида таомилга кирган. Гап шундаки, ўтмишда халқимизда туғилган кунни нишонлаш расми бўлмаган, аксинча, қуёш тақвимига кўра ҳар 12 йилда бир марта мучал тўлдириш ёши тарзида нишонлашни одат қилишган. Ҳатто умрни ҳам неча мучалга тенглигига қараб ҳисоблашган.

Мучални ҳамма ёшдагилар умрнинг бир босқичидан кейинги босқичига ўтиш шодиёнаси сифатида нишонлашган. Лекин биринчи мучални нишонлашга айрича аҳамият берилган, яъни махсус тайёргарлик кўрилган.

Ўтмишда бола мучали қайси ҳайвон номи билан аталувчи йилга тўғри келса, феъли ҳам ўшанга мос келади, деган ақидага ишонганларки, бу аслида аждодларимизнинг тотемистик эътиқодлари асосида юзага келган. Маросим учун илк мучални тўлдираётган қизалоққа ҳам, ўғил болага ҳам бошдан-оёқ сарпо қилинган. Бу билан мучали нишонланаётган болакайларнинг келажаги порлоқ ва саодатли бўлиши исталган. Сирасини айтганда, мучал болакайлар умрнинг янги палласига — ўсмирликка қадам қўйганини билдирган. Унга шу тариқа бундан кейин катталар сафини тўлдирувчи муносиб номзод эканлиги уқтирилган.

Илк мучал — болакайларнинг балоғат ёшига етганлиги шарофатига бағишланган наврўзий байрам. Уйилнинг исталган мавсумида нишонланишидан қатъи назар, Наврўз янги йилни бошлаб берган баҳорий шодиёна бўлгани каби, мучал ҳам умрнинг янги пиллапоясини бошлаб берган наврўзий шодиёна моҳиятига эга. Шу сабабли мучали тўлган бола шаънига зиёфат дастурхони тузаб, қариндош-уруғлар, болакайнинг жўралари ёки қизларнинг дугоналари чақирилган. Ўтмишда Бухорода мучал дастурхони тузалган етти ё тўққиз болор (тўсин)ли меҳмонхонанинг қоқ ўртадаги болор (тўсин)ига загома-тарози осдирганлар. Загома, одатда таги чарм ёки мол пўстаги билан қопланган катта гардиш (ғалвирдан 2-3 ҳисса катта идиш) бўлиб, ундан сават сифатида фойдаланишган. Моллар охурига қирқма ўтларни солишган. Шундай загоманинг иккитасини палла тарзида қўллаб, тарози ясашган. Шу тарозининг бир палласига мучали нишонланаётган болакай кириб ўтирган, иккинчи палласига эса бола оғирлигини босганга қадар каллақанд солаверганлар. Загома паллалар мувозанатга келгач, каллақанд солишни тўхтатганлар. Мучали нишонланаётган бола загома палладан чиқарилиб, давранинг тўрига ўтқазилган. Сўнг бола вазни бараваридаги каллақанд майдаланиб, дастурхон атрофидагиларга ва бошқа қариндош-уруғларга, қўни-қўшниларга кулча устига солиб тенг тақсимланган. Буни улуш деганлар. Улуш саноғи қанча кўп бўлса, болакай ҳам шунча умр кўради, деб ишонганлар. Мучал зиёфати зўр ўйин-кулги, байт-барак билан ўтган ва улуш тарқатиш билан якунланган.

Шундан кейин мучали нишонланадавомида мучал ҳар бир хонадоннинг ўз шахсий оилавий маросими сифатида нишонланиб келинса-да, шўро мафкураси уни эскилик сарқити дея тақиқлаб қўйди. Мучалга бундай муносабат, айтиш мумкинки, ҳатто XX асрнинг 50-йиллари охирларигача давом этди. Республикамиз болалар журнали «Гулхан» биринчилардан бўлиб «Ўн уч ёшлилар билан суҳбат» туркумида фан ва маданиятимизнинг улкан арбоблари, ишлаб чиқаришнинг донгдорлари билан суҳбатлар ташкил қилиб, мучалнинг мазмунан янгича ижтимоий-маънавий характер касб этишига йўл очди.

Аслида, журнал бундай суҳбатлари орқали бошқача мақсадларни кўзлаган, аниқроғи, европаликларда анъанага айланган 13 рақамининг хосиятсиз саналиши асоссизлигини кўрсатмоқчи бўлган. Зеро, бу рақам бизда ўсмирликка қадам қўйиш пиллапояси сифатида эъзозланган ва мучал маросимига айланган. Шундан бўлса керакки, ўсмирликни қадрловчи мучални энди шахсий оилавий маросим тарзида эмас, балки жамоавий байрам йўсинида нишонлаш республика шаҳар ва қишлоқларидаги мактабларда ўзига хос тус ола борди.

Истиқлол шарофати билан эндиликда мучал навқирон авлоднинг баркамолликка қадам қўйишини алқовчи балоғат байрами тусини ола бошладиким, буни фақат олқишламоқ керак.

Бир мучал даврини қолдирдинг ортда,
Қувончдан кўзларим ёшланди, болам.
Ўсмирлик фаслига кирдинг ҳаётда,
Энг масъул кунларинг бошланди, болам...

Охунжон САФАРОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

Бухоролик уста-ҳунарманд Шавкат Ашуров «Ташаббус» кўрик-танловининг жорий йилдаги вилоят босқичида совринли ўринни қўлга киритди.

ШОГИРДЛАРИ КЎП ҲУНАРМАНД

Ўзи яшаётган Когон туманида ёғоч ўймакорлиги устахонаси очган ҳунарманд шогирдлари билан ўн турда маҳсулот тайёрламоқда. Бежирим нақш солинган эшик, дераза ромлари, қаламдон, лавҳлар, шахмат-шашка тахталари, курси ва хонтахталар юқори сифати билан харидорларга манзур бўлаётир.

Халқаро кўргазмалар иштирокчиси, «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси Ш.Ашуров устахонада «Устоз-шогирд» анъанаси асосида ёшларни ёғоч ўймакорлигига ўргатиш ишларини йўлга қўйган.

Суратда: бухоролик уста-ҳунарманд Шавкат Ашуров устахонасида.

Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат

Реклама ва эълонлар

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи:

«Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Қори Ниёзий кўчасини реконструкция ишлари I-навбат (К.Додхох-Ёшлик кўчалари чорраҳасидан Қори Ниёзий-Бозорбоши кўчалари чорраҳасигача)».

Муддати — **20.08.2013 йил.**

Бошланғич нархи — **5 900 374 647 сўм ҚҚС билан; 4 916 978 873 сўм ҚҚС сиз.**

Манзил: Фарғона шаҳар Темирйўлчилар кўчаси 37, тел.(373) 400-52-80, 224-24-33 (факс).

Қурилиш ишлари: Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ушбу тенг бўлган ҳолатларда, афзаллик кичик бизнес субъектларига берилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:

ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади:

қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси 37-уй, телефон/факс: (373)224-18-71 Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, *Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси 37-уй* манзилда ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган

Реклама ва эълонлар

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФАРҒОНА ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ «ҚУРИЛИШ ДИРЕКЦИЯСИ»

ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объектлар номи:

1. «Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Ал-Фарғоний номли истирохат боғидаги ошхонани реконструкция қилиб, «Кўғирчоқ театри»га мослаштириш ишлари».

Бошланғич нархи — **681 378 000 сўм ҚҚС билан; 567 815 000 сўм ҚҚС сиз.**

Муддати — **01.10.2013 йил.**

Қурилиш ва таъмирлаш ишлари: Фарғона шаҳар ҳокимлиги ва «Қурилиш дирекцияси» ҳомийлари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

2. «Фарғона вилояти Фарғона шаҳридаги «Камолот» биносини мукаммал реконструкция ишлари».

Бошланғич нархи — **1 186 603 900 сўм ҚҚС билан; 988 836 600 сўм ҚҚС сиз.**

Муддати — **01.10.2013 йил.**

Қурилиш ва таъмирлаш ишлари: Камолот ЁИҲ, маҳаллий бюджет, йил бошида шакллланган эркин қолдиқ маблағлари ва чораклар давомида даромадлар режасини ортириб бажарилган қисми, ҳомийлик маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Буюртмачи: **Фарғона вилояти Фарғона шаҳар ҳокимлиги «Қурилиш дирекцияси».**

Манзил: Фарғона шаҳар Ал-Фарғоний кўчаси 7-уй, тел.(373) 224-00-42.224-77-22.

Буюртмачи: **Фарғона вилояти Фарғона шаҳар ҳокимлиги «Қурилиш дирекцияси».**

Манзил: Фарғона шаҳар Ал-Фарғоний кўчаси 7-уй, тел.(373) 224-00-42.224-77-22.

Ушбу тенг бўлган ҳолатларда, афзаллик кичик бизнес субъектларига берилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни *Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси 37-уй, телефон/факс: 8 (373) 224-18-71.*

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи – 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, *Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 7-уй* манзилда ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган

«SHAD SAVDO ZAMIN» МЧЖдаташкил қилинган савдолар натижалари ҳақида хабарнома

«SHAD SAVDO ZAMIN» МЧЖ томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори асосида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг 2013 йил 26 март кунида бўлиб ўтган танлов савдоси натижалари.

1.Бухоро шаҳар Навоий кўчаси ёқасидан «Ёшлар маркази» мажмуаси қуриш учун мўлжалланган 154.0 кв.м. дан иборат ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати 108 736 сўм бўлган ер участкаси 3 000 000 сўмга сотилди.

Лицензия RR-0048

«Tashkent Realtor Service» МЧЖ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори асосида ер участкаларига бўлган доимий фойдаланиш ҳуқуқининг 2013 йил 29 март куни бўлиб ўтган танлов савдоси натижасини маълум қилади:

№	Объектнинг номи	Объектнинг жойлашган манзили	Ер участчасткасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати (сўм)	Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг сотилиш қиймати сўм)
1.	Автомобилларга сиқилган газ тўлдириш компрессор станцияси қурилиши учун 1,0 гектардан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи	Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ тумани, «Майдонтол», ҚФЙ, Меҳнатобод ҳудуди	2 995 255	5 800 000

Лицензия RR-0008

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari:
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, **Huquq va xalqaro hayot** — 256-64-69, **Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport** — 256-82-79, **Xatlar va muxbirlar bilan ishlash** — 256-85-43, **Reklama va e'lonlar** — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; **Buxoro** + 99893 653 50 81; **Sirdaryo** + 998 90 999 58 30; **Jizzax** + 998 94 418-67-49; **Navoiy** + 998 94 226-28-84; **Namangan** + 998 90 260-50-77; **Samarqand** + 998 93 352-50-87; **Qashqadaryo** +998 91 467-30-01; **Surxondaryo** + 998 95 502-16-68; **Farg'ona** + 998 90 583-49-79; **Qoraqalpog'iston Respublikasi** + 998 94 596-02-00; **Xorazm** + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:
N.Rafiqov
Navbatchi:
S.Abdurahmonov
Musahhih:
S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 01. 50
Topshirildi - 02. 50

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. | Buyurtma Г — 411 | 20265 nusxada bosildi | 1 2 3 4 5